Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 109 (6. 300) ◉ 1987 йил 14 май, пайшанба ◉ Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИГА ХАЁТГА!

ИККИ ЙИЛЛИК ПЛАН — УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Бу коллектив ҳам, унинг етакчиси ҳам менга кўпдан буён таниш. Баланд бўйли, истараси иссиқ Жўрабек ўзи ҳақида кўп гапиришни ёқтирмайди. Унинг табиатан камтарлиги, тортинчоқлиги ҳар бир ҳаракатидан яққол сезилади. Жўрабекнинг ажойиб ишчи, тажрибали етакчи, моҳир мастер ёрдамчиси сифатида шуҳрат тараётишида ҳам шу фазилатлари қўл келган бўлса ажаб эмас. Унинг нафақат ўзига, бригадасининг ҳар бир аъзосига ўта талабчанлиги муваффақиятларга замин яратмоқда.

Жўрабек бошчилик қилаётган коллектив Тошкент тўқимачилик комбинати 1-тўқув фабрикасидаги илғор бригадаларнинг биридир. Йил бошидан бери унинг аъзолари эришган натижалар анча қувончли. Тўрт ойлик план ортиғи билан адо этилди. Биргина ўтган ой плани 126,2 процент бажарилди. 98,5 процент маҳсулот юқори сортга топширилди.

Бригаданинг моҳир тўқувчилари Халима Ҳасанова, София Раҳмонова, Насиба Тожибекова, Замира Эркаевалар юқори зичлаштирилган зонадаги дастгоҳларга хизмат кўрсатишади. Улар ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили планини 7 ноябргача бажаришга сўз беришган. Яқинда коллективнинг яна икки пешқадам тўқувчиси Соттигул Сиддиқова ва Дилором Темировалар бу ташаббусга қўшилдилар. Улар айни кунларда зарбдорона меҳнатлари билан Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига муносиб совға тайёрлашга қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар.

Коллективдаги ўзаро ҳамжиҳатлик, аҳиллик ютуқлар гарови бўлаётир. Унинг етакчиси Жўрабек Тўйчибоевнинг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги ютуқларни янада мустаҳкамлашга имкон яратаяпти. Жўрабек коллектив етакчиси сифатида кўпчиликка ибрат кўрсатиб ишламоқда.

Яқинда бригада аъзоларини янги меҳнат муваффақияти билан қизғин қутладилар. Жўрабек ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилини ҳам ишончли якунлади. Бригада аъзолари ўртасида социалистик мусобақа кенг авж олдирилган. Бригада кенгаши ишларни мувофиқлаштириб боради, иш стажидан қатъий назар, ҳар бир станокчи ишчи меҳнатининг пировард натижаларга учун жавобгардир.

Юрий Шеин Совет Армияси сафидан қайтиб, бригадага келгач, уни кенгаш мажлисига таклиф қилишди. Бригаликда кўп йил ишлаш натижасида вужудга келган бригада анъаналари тўғрисида коллектив олдида турган вазифалар ҳақида унга гапириб беришди. Йигитга деталларни силлиқлаш топширилди. Бу ишни сен учун ҳеч ким бажармайди, агар қийин бўлса — ёрдамлашамиз, браккa йўл қўйсанг — жавоб берасан, деб огоҳлантиришди.

Ёш ишчи дастлабки кунданоқ ўртоқларининг мададига ва талабчанлигига ишонч ҳосил қилди. Бир ойдан кейиноқ унн тиришқоқлиги учун мақташди. Бригада кенгашининг яхшн гапн йигитнинг кайфиятини кўтардн, унда янада яхшироқ ишлаш истаги туғилдн.

Мажлислардан бирида кенгаш олдида бригада иш вақтидан кейин ҳам қолиб ишлашн керакми, деган савол кўндаланг бўлди. Цех раҳбарлари сменадан сўнг қолиб ишлашни илтимос қилган эдилар. Бунга йигув конвейерининг бир маромда ишлашн учун деталларни ғамлаб қўйиш зарурлигнни сабаб қилиб кўрсатишди. Корхонада кўп йиллардан бери ишлаётган ишчи С. Зенкин: «штурмчилик фойда келтирмайди. Ишнн ҳар қандай топшириқнн оддий сменада бажарадиган қилиб ташкил этишнн таклиф этаман», деди.

Бригада кенгашн икки сменали иш имкониятларидан фойдаланиб, машина-ускуналарни ишчиларга уларнинг ҳар бирн тўла қувват билан меҳнат қила оладиган қилиб тақсимлаб берди. Тажрибали станокчиларнн ёшларга бирнктирнб, уларга турдош касбларни ўргатишни топширдилар. Сменадан сўнг қолиб меҳнат қилишмаса ҳам ишлар юришиб кетди.

— Меҳнатнн ташкил этишнн такомиллаштириш, коллективни жипслаштириш бригада кенгашининг бурчи деб ҳисоблаймиз,— дейди бригадир.— Ҳар ким ўз қобилиятнни яхшн билади, шундай пайтда ана шу масалаларнинг биргаликда ҳал этилишн юксак натижаларга эришишга имкон беради. Айни ана шундай ёндашиш бригадага штатдаги 26 кишн ўрнига ишлаётган ўн олти аъзосн билан план топшириқларини ой сайин ошириб бажаришга имкон бермоқда.

Бригадада янги ой бизда олдингн ойнинг охридан бошланади, дейишларн бежиз эмас. Чунки бу ерда заготовкалар ғамлаб қўйилади, машина-ускуналар профилактика қилинади. Дастлабки кунданоқ коллектив бир маромда ишлай бошлайдн. Завод бригадаларн ўртасидагн социалистик мусобақа якунларига кўра В. Жуков бригадасн яна бирнчн ўринни олганлиги ишни ана шундай ташкил этиш натижасидир.

В. ДРАЧЕВ,
УзТАГ мухбири.

БРИГАДА КЕНГАШИ: ТАЪСИР ДОИРАСИ

Тошкент агрегат заводи 1-механика-йиғув цехидан В. А. Жуков бригадаси планга қўшимча равишда тракторларнинг орқа ўқи учун юз комплект узел тайёрлаб берди. Деҳқонлар учун зарур бўлган бу маҳсулотларни қўшимча равишда ишлаб чиқариш тўғрисида бригада кенгашн қарор қабул қилди. Уни барча ишчилар умумий йиғилишида маъқулладилар. Чунки қарор Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятга ҳам мос келар эди.

Бу ерда коллектив меҳнат ва коллектив жавобгарлик принципи асосий принцип қилиб қўйилган. Бригада кенгашн ишларнн мувофиқлаштириб боради, иш стажидан қатъий назар, ҳар бир станокчн ишчи меҳнатнинг пировард натижаларн учун жавобгардир.

Юрий Шеин Совет Армияси сафидан қайтиб, бригадага келгач, уни кенгаш мажлисига таклиф қилишди. Бригаликда кўп йил ишлаш натижасида вужудга келган бригада анъаналари тўғрисида коллектив олдида турган вазифалар ҳақида унга гапириб беришди. Йигитга деталларни силлиқлаш топширилди. Бу ишни сен учун ҳеч ким бажармайди, агар қийин бўлса — ёрдамлашамиз, браккa йўл қўйсанг — жавоб берасан, деб огоҳлантиришди.

Ёш ишчи дастлабки кунданоқ ўртоқларининг мададига ва талабчанлигига ишонч ҳосил қилди. Бир ойдан кейиноқ унн тиришқоқлиги учун мақташди. Бригада кенгашининг яхшн гапн йигитнинг кайфиятини кўтардн, унда янада яхшироқ ишлаш истаги туғилдн.

Мажлислардан бирида кенгаш олдида бригада иш вақтидан кейин ҳам қолиб ишлашн керакми, деган савол кўндаланг бўлди. Цех раҳбарлари сменадан сўнг қолиб ишлашни илтимос қилган эдилар. Бунга йигув конвейерининг бир маромда ишлашн учун деталларни ғамлаб қўйиш зарурлигнни сабаб қилиб кўрсатишди. Корхонада кўп йиллардан бери ишлаётган ишчи С. Зенкин: «штурмчилик фойда келтирмайди. Ишнн ҳар қандай топшириқнн оддий сменада бажарадиган қилиб ташкил этишнн таклиф этаман», деди.

Бригада кенгашн икки сменали иш имкониятларидан фойдаланиб, машина-ускуналарни ишчиларга уларнинг ҳар бирн тўла қувват билан меҳнат қила оладиган қилиб тақсимлаб берди. Тажрибали станокчиларнн ёшларга бирнктирнб, уларга турдош касбларни ўргатишни топширдилар. Сменадан сўнг қолиб меҳнат қилишмаса ҳам ишлар юришиб кетди.

— Меҳнатнн ташкил этишнн такомиллаштириш, коллективни жипслаштириш бригада кенгашининг бурчи деб ҳисоблаймиз,— дейди бригадир.— Ҳар ким ўз қобилиятнни яхшн билади, шундай пайтда ана шу масалаларнинг биргаликда ҳал этилишн юксак натижаларга эришишга имкон беради. Айни ана шундай ёндашиш бригадага штатдаги 26 кишн ўрнига ишлаётган ўн олти аъзосн билан план топшириқларини ой сайин ошириб бажаришга имкон бермоқда.

Бригадада янги ой бизда олдингн ойнинг охридан бошланади, дейишларн бежиз эмас. Чунки бу ерда заготовкалар ғамлаб қўйилади, машина-ускуналар профилактика қилинади. Дастлабки кунданоқ коллектив бир маромда ишлай бошлайдн. Завод бригадаларн ўртасидагн социалистик мусобақа якунларига кўра В. Жуков бригадасн яна бирнчн ўринни олганлиги ишни ана шундай ташкил этиш натижасидир.

В. ДРАЧЕВ,
УзТАГ мухбири.

ЗАМОНДОШИМИЗ



КАМОЛОТ

Ҳарбий хизматдан қайтган кунининг эртасига Дмитрийнинг қалби безовталана бошлади. Аллақандай куч уни экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмасига тезроқ боришга даъват этарди. Бу ерда уни қадрдон коллектив, жонажон бригадаси сабрсизлик билан кутаётганди...

Дарҳақиқат, ёш ўспиринниинг орзуларн рўёбга чиқишида шу бригада меҳнатчиларининг ролн беқиёс бўлди. Дмитрий тажрибали пармаловчи ва токарларнинг амалий ёрдамнни доимо ҳис этиб турди. Энди у бемалол мустақил ишлай олади. Разрядн ҳам юқорн. Шундай бўлгандан кейин кишига ҳаётда ўз ўрнини топишдан, жамият, эл-юртга наф келтиришдан ўзга бахт борми!!. Шу бахтнинг шукуҳн Совет Армияси сафидан қайтгач уни яна коллективга бошлади. Дмитрий ишга чиққан кун кўпчилик учун ҳақиқий байрамга айланди.

Ўн уч йилдирки, Дмитрий ўз тақдиридан миннатдор. Меҳнати унга бахт келтирди. Бирлашмадаги энг яхшн ишчилар сафидан жой олди. Айни пайтда Д. Поярков ўзи ишламоқда, бригада аъзоларининг корхона машъалларн сафидан ўрнн олишн учун куч-ғайратнни аямаётнр.

Бугунги кунда корхона ёрлиғи туширилган қудратли техникага талаб тобора ортиб бормоқда. Унинг нафақат мамлакатимиз, балки бир қанча чет давлатларда ҳам севиб харид қилинаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Дмитрий Николаевич Поярков бошчилигидаги комплекс бригада ишчилари ана шу қудратли экскаваторлар учун ғилдирак ўқларн ва бошқа муҳим деталларни тайёрлаб беришади. Бу масъулиятли топшириқнни улар доимо шараф билан уддалашмоқда, ойлик планда белгиланганидан кўп иш бажаришга эришишаётир. Меҳнатдаги муваффақиятлари учун коллектив етакчиси Дмитрий Николаевич яқинда Тошкент область машинасозлик ходимлари мукофотн лауреатн бўлди. Юксак баҳо тажрибали бригадирни янги марралар сари руҳлантирмоқда.

СУРАТДА: Дмитрий Николаевич Поярков (чапдан иккинчи) илғор бригада аъзолари билан.

М. Нурмаҳмонов фотоси.

Қардошлик қонунига биноан

АМАЛИЙ ЁРДАМ

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган кўп минг кишилик митинг табиий офат туфайли сув тошқинидан зарар кўрган пискентлик меҳнаткашларга амалий ёрдам кўрсатишга бағишланди. Бирлашма ишчи ва хизматчилари бир овоздан кўрилган моддий зарарни бартараф этишда ўзларининг пискентликларга камарбаста эканликларини изҳор этдилар. Бирлашма партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Аброр Маъруфхўжаев митингда сўзга чиқиб «Ўроқ ва Болға иттифоқи»нинг бузилмас бирлиги бундан буён ҳам янада мустаҳкамланиб, жипслашиб боришини таъкидлади. Корхона ишлаб чиқариш илғорлари: Шавкат Муродхўжаев, Гўзал Ёқубова ва Абдужалил Раҳимовлар ўзларининг бир кунлик иш ҳақларини пискентликларга ёрдам фондига ўтказиш истагида эканликларини билдирдилар. Бу таклифга митинг иштирокчиларининг деярли барчаси якдиллик билан қўшилишди. Натижада 3000 сўмлик маблағни 904-счётга ўтказиш ҳақида митингда бир овоздан қарор қабул қилинди.



Саралаш цехи илғорлари ҳақида гап кетганда кўпчилик ишчилар коммунистик меҳнат зарбдори Кинора Исҳоқованн фахр билан тилга оладилар. Бу бежиз эмас албатта. Ўз ишининг устаси доимо зиммасидаги топшириқни ортиғи билан уддалашга ҳаракат қилмоқда. Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига тажриба-ишлаб чиқариш фабрикасида авж олдирилган социалистик мусобақа илғорлари сафида бораётир. Унинг мақсади— қутлуғ айёмгача йиллик планни бажариш. Юксак натижани эгаллашнинг моҳир сараловчи ҳозирданоқ замин яратмоқда.

СУРАТДА: Кинора Исҳоқова иш устида.

Э. Зоҳидов фотоси.

ҲИНДИ — ДЎСТЛИК ТИЛИ

Тошкентдаги 24-мактабда «Ҳинди — дўстлик тилидир» деган адабий-мусиқали кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон пойтахтида таълим олаётган ҳиндистонлик студентлар бу ерга келишди. Ўқувчилар уларни ҳинди тилида саломлашиб кутиб олдилар. Кечада Рабиндранат Тагор, Алишер Навоий, Ҳиндистон ва Ўзбекистоннинг бошқа сўз усталари шеърларидан сатрлар янгради. Болалар Бомбей билан Деҳли мактаб ўқувчилари ўртасидаги дўстона алоқалар тўғрисида гапириб бердилар. Меҳмонлар Ўрта Осиёнинг атоқли шоирлари ва ёзувчилари тўғрисида, Ўзбекистоннинг тарихи ва маданияти ҳақида юқори синф ўқувчилари ҳинд тилида тайёрлаган суҳбатни тингладилар. Ҳиндистон ва Ўзбекистоннинг тинчлик, дўстлик ҳақидаги қўшиқларидан тузилган концерт ўқувчиларга ҳам, педагогларга ҳам, меҳмонларга ҳам манзур бўлди.

(ЎзТАГ).

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МУҲОФАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида республика пойтахти партия, совет ва комсомол органлари раҳбарлари, прокуратура, милиция ва суди масъул ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда «1987 йилнинг тўрт ойи якунлари бўйича Тошкент шаҳри ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг иш натижалари ҳамда ҳуқуқ-тартибот муҳофазасини янада мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш чоралари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

Ҳозир бўлганлар ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин сўзга чиқди.

Доклад юзасидан музокараларда Киров район партия комитетининг биринчи секретари Ш. Н. Маҳмудова, Тошкент шаҳар прокурори В. Е. Теркин, Ҳамза район ички ишлар бўлими милиция участка инспектори М. Ё. Султонов, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Э. А. Ризаев, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бошлиғи В. Ф. Клапушевский, Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари И. Қ. Муртазоев, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министри У. С. Раҳимов иштирок этдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъмурий органлар бўлимининг мудири Д. А. Усатов, Ўзбекистон ССР юстиция министри Б. Ғ. Олимжонов, Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси С. Й. Йигиталиев иштирок этдилар.

«ЎЗБЕКИСТОН — РЕСПУБЛИКАМ МЕНИНГ»

Композитор Рустам Абдуллаев шоира Римма Казакованинг «Ўзбекистон — республикам менинг» шеърига куй басталади. Янги қўшиқ илк бор Тошкент Олий партия мактаби тингловчилари ҳузурида Тоштемир Шарипов ижросида куйланди.

Бастакорларнинг Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига аталган ижодий учрашуви Тошкент Давлат консерваториясида ҳам бўлиб ўтди.

Бу ерга композиторлардан Хайри Изомов, Собир Бобоев, Сайфи Жалил, Борис Гиенко, Рустам Абдуллаев ва Дилбар Омонуллаева ташриф буюришди. Улар ўзбек совет композиторларининг янги асарлари ва ўз ижодлари ҳақида гапириб бердилар.

Учрашувда ижрочилардан Гулгина Зокирова, Светлана Паркова ва Тошкент Давлат консерваториясининг доценти Мурод Тошмуҳамедов раҳбарлигидаги ғижжакчилар ансамбли ўзбек совет композиторларининг Октябрни улуғловчи асарларини ижро этдилар.

* * *

Пойтахтимиздаги В. И. Ленин номидаги хотин-қизлар педагогика билим юртида бўлиб ўтган учрашувда композитор Собир Бобоев ва А. Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет катта театрининг бир гуруҳ санъаткорлари иштирок этдилар.

Учрашувда бўлажак педагоглар композиторнинг ижоди, унинг опера ҳақидаги мароқли суҳбатини тингладилар. Собир Бобоев операларидан ариялар ижро этилди.

Б. РАСУЛЕВ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети навбатдаги мажлисида илгари қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назорат тариқасида маданият ва истироҳат боғлари ишидаги камчиликларни тугатишга доир тадбирларнинг бажарилиш якунларини кўриб чиқди. Мазкур камчиликлар «Советская культура» газетасининг 1986 йил 31 май сонидаги «Чангдан парда» мақоласида қайд этилган эди.

Муҳокама чоғида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг маданият бошқармаси ўтган давр ичида маданий-оммавий ишларни такомиллаштириш, маданият ва истироҳат боғлари моддий-техника базасини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш соҳасида муайян ишларни амалга оширганлиги қайд этилди.

Шунга қарамай, маданият ва истироҳат боғлари ишида ҳамон жиддий камчиликлар мавжуд. Жумладан, шу йил 22 апрель куни барча маданият ва истироҳат боғлари очилиши лозим эди. Аммо бу кунга С. Раҳимов, В. Котик, А. Икромов номидаги маданият ва истироҳат боғлари тайёр бўлгани йўқ, ёритиш ва асфальтлаш ишлари, Шумилов номидаги, Коммунистик шанбаликнинг 50 йиллиги номидаги боғларда кўлларни тозалаш, Ленин комсомоли номидаги боғда, «Бахт» ва «Роҳат» дам олиш зоналарида пляжларни ободонлаштириш ишлари тугалланмади. С. Раҳимов ва А. Пушкин номидаги боғлардан, «Роҳат» дам олиш зонасидан чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилмаяпти.

С. Раҳимов номидаги, Коммунистик шанбаликнинг 50 йиллиги номидаги боғларнинг оммавий-маданий ишлари мазмунида қайта қуриш амалга оширилгани йўқ. Шанба, якшанба ва байрам кунлари тадбирлар паст савияда ўтказилмоқда. Боғларнинг маданият секторлари кадрлар билан тўла таъминланган эмас, айрим боғ директорлари ва бадиий раҳбарларининг касб савияси пастлигича қолмоқда. Маданият бошқармасининг боғлар бўлими бугунги кунда боғларга амалий раҳбарликни тўла ҳолда таъминламаяпти, оммавий-маданий ишлар савиясини яхшилаш, боғларни моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ишларини планли равишда олиб бормаяпти. Пулли объектлар ишини ташкил этишда ҳамон камчиликлар кўп.

Ижроия комитетининг маданият ва истироҳат боғлари территориясида китоб дўконлари ва «Союзпечать» киосклларини жойлаштириш, шанба ва якшанба кунлари кўчма китоб савдосини ташкил этиш тўғрисидаги қарори ҳануз-гача бажарилгани йўқ.

А. Пушкин ва В. Котик номидаги боғларда кинотеатрларни, В. И. Ленин номидаги, С. Раҳимов, Коммунистик шанбаликнинг 50 йиллиги номидаги боғларда, «Роҳат» ва «Бахт» дам олиш зоналарида «Ташлимвоторг» савдо объектларини тайёрлаш ишлари тугалланмаган. Савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш масалалари ҳал этилмаяпти.

Шаҳар план бўлими маданият ва истироҳат боғларининг қурилиш материалларига, автомобиль транспорти ва механизмларга бўлган эҳтиёжини тўла ҳажмда қондираётгани йўқ. Бунинг натижасида лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд бўлишига қарамай, «Ташремстройтрест», «Гордорстройремонт», ирригация трестлари томонидан объектларни капитал ремонт қилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмаяпти.

Маданият бошқармаси раҳбарлиги боғлар ишини қайта қуриш учун зарур чораларни ўз вақтида кўра билмади, кадрлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда етарли даражада принципиаллик кўрсатмаяпти, белгиланган тадбирларнинг амалий реализация қилиниши учун таъсирчан назоратни таъминламаяпти.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қайд этиб ўтилган камчиликларни тугатиш юзасидан аниқ тадбирларни белгилади. Маданият бошқармасига, халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетларига, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг бўлим ва бошқармаларига маданият ва истироҳат боғлари фаолиятини тубдан қайта қуришни таъминлаш, меҳнаткашларнинг актив дам олишини яхшилаш ва такомиллаштириш мақсадида уларнинг иши устидан мунтазам назоратни амалга ошириш топширилди.

Ижроия комитети мажлисида шаҳар хўжалигини ривожлантиришнинг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилди ва қарорлар қабул қилинди.

Телетайп лентасидан

ХОШИМИН. «Вьетсовпетро» Вьетнам — Совет қўшма корхонасининг интернационал коллективи қазиб чиқарган 90 минг тоннадан ортиқ дастлабки Вьетнам нефти ҳозирнинг ўзидаёқ чет эллик буюртмачиларга етказиб берилди, деб ёзади бугун «Сайгон Зяй Фонг» газетаси.

ВСР халқ хўжалигининг янги тармоғи бўлган нефть қазиб чиқариш саноати Совет Иттифоқининг кўмагида ташкил этилди ва ривожланмоқда. 1981 йилнинг ноябрида бунёд этилган биргаликдаги Вьетнам — Совет корхонаси Жанубий Вьетнамнинг курорт шаҳри Вунгтауни республиканинг саноат марказига айлантирди. Қудратли совет техникаси дастлабки қувурларни пармалаш, катта-катта нефть ва газ запасларини қидириб топиш имконини берди. Ҳозирги вақтда олис денгизда учта доимий денгиз платформаси ўрнатилган бўлиб, уларда нефть саноат кўламида қазиб чиқарилмоқда. Совет мутахассислари вьетнамлик нефтчиларнинг кўп минг кишилик малакали отрядини тайёрладилар.

Бу йил, деб ёзади газета, камида 270 минг тонна нефть қазиб олинади, ўн йилликнинг охирига бориб эса Вьетнам ўзини нефть маҳсулотлари билан тўла-тўкис таъминлай олади. Донгнай вилоятида Совет Иттифоқининг техникавий кўмаги билан мамлакатда биринчи нефть қазиб олиш комплекси қурилиши бошлаб юборилди.

●

КОБУЛ. Демократик Афғонистон ҳукуматининг инсонпарварликдан иборат миллий яраш йўлини, қон тўкилишини тўхтатиш ва мамлакатда тинчлик ўрнатиш йўлини афғон халқи тобора кўпроқ маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқда. Ғазна, Бағлон ва Нангарҳор вилоятларида бўлиб ўтган кўпдан-кўп митинглар ҳамда йиғилишларнинг қатнашчилари яраш сиёсати муваффақиятли амалга оширилишига бутун чоралар билан ёрдам беришга тайёр эканликларини изҳор этдилар.

БАХТАР агентлигининг хабар беришича, АДР революцион кенгаши президиумининг авф этиш тўғрисидаги фармони асосида маҳбусларни бўшатиш давом этмоқда. Балх вилоятида 50 киши озодликка чиқарилди. Улар инсонпарварлиги учун Афғонистон маъмурларига миннатдорчилик билдириб, яраш сиёсатини амалга оширишда фаол қатнашамиз, деб ваъда бердилар.

Афғон қочоқларининг жами 449 кишидан иборат 74 оиласи Эрон ва Покистонда кўп йил дарбадарликдан сўнг Ҳирот, Нимрўз ва Нангарҳор вилоятларига қайтиб келди. Маҳаллий маъмурлар уларга энг зарур ашёлар, озиқ-овқат ва уй-жой берди.

●

БАҒДОД. Фронтнинг шимолий участкасида Ироқ қисмлари душманнинг жанговар позицияларига ҳужум қилиб, унинг аскар ва техникасига талафот етказди, сўнгра ўзи жойлашган районга қайтиб келди, деб хабар қилади бош қарбий қўмондонлик. Марказий участкада, Майсан секторида, Басрадан шарқда ва Фао ярим оролида Эрон қўшинлари йиғилган районлар тўпга тутилган ва маҳаллий аҳамиятдаги жанглар давом этган. Бир неча бронетранспортер ва тўп, етти-тита дала ўқ-дори омбори яксон қилинган.

●

НИКОСИЯ. ИРНА агентлиги Эроннинг қирғоқ артиллерияси Абдаллаҳ бўғзида Ироқнинг ҳарбий катерига шикаст етказганлигини хабар қилди. Фронтнинг шимолий участкасидаги Панжвин, Саид—Содиқ районларида Эрон артиллерияси-нинг актив ҳаракатлари натижасида душман қўшинларининг жилиши барбод этилган. Форс кўрфазида чет эл танкерига ҳужум қилинган.

●

ВАРШАВА. ПХР Министрлар Совети Президиуми Польша авиакомпанияси—ЛОТга қарашли ИЛ-62М самолёти яқинда ҳалокатга йўлиққанлиги сабабларини текширувчи ҳукумат комиссиясининг ишлари қандай боравётганлиги билан танишди.

ПАП агентлигининг хабар беришича, комиссияда асосий материаллар, жумладан «қора қути» деб аталмиш аппарат бор. Бу аппарат экипажнинг ердаги хизматлар билан олиб борган сўзлашувларини ҳамда самолёт асосий системаларининг ҳолатини билиб олишга имкон беради. Материалларни экспертлар муфассал таҳлил қилиб чиқмоқдалар. Комиссия ҳалок бўлганларнинг оилаларига ёрдам бериш проблемаларини ҳам ҳал этяпти.

Комиссия материалларни ўрганиб чиққач, тегишли доклад тайёрлайди ва у матбуотда эълон қилинади.

Сўз боши ўрнида

Биз одатда бирон қаҳрамонни топиб олсак, ҳадеб у ҳақда ёзаверамиз. Фақат газета-журналлардагина эмас, балки радио ва телевиденида ҳам, хуллас ҳамма жойда ана шу қаҳрамон номини такрорлайверамиз. Иш ҳатто шу даражага бориб етадики, ўша қаҳрамонлардан бири ҳар сана, байрам арафасида газетада чиқишга ўрганиб қолганиданми: «Нега бу гал мени ёзмаяпсизлар?» дейишгача боради. Бир қарашда бу ҳол тасодифий, кулгилидек туюлиши мумкин. Агар ёдингизда бўлса, машҳур публицист Анатолий Агроновский ЗИЛ автомобиль заводидан якка қаҳрамон ҳақида эмас, балки ҳар куни қаҳрамонона иш қилаётган оддий одамлар ҳақида очерк ёзган эди. У ўз фикрини исботлаб, ҳадеб бир қаҳрамон ҳақида ёзаверганидан кўра юзлаб, минглаб бошқа оддий меҳнат фидойилари тўғрисида ёзган фойдалироқ, деган фикрга келган эди. Бизнинг қаҳрамонимиз ҳам ана шундай фидойи, оддий инсонлардан биридир...

«Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигига

Сен етим эмассан

Буюк шоиримиз Ғафур Ғуломнинг ўлмас сатрлари ёдга тушади, албатта. Гўё барча етимлар ҳаётининг ўзига хос эпиграфини ёзган, у.

СССР Халқлари дўстлиги саройи олдида яқинда шундай бир манзаранинг гувоҳи бўлдим. Тумонат одам. Кечки пайт. Ҳамма жойда прожекторлар порлаб турибди. Маълум бўлишича, бу ерда Улуғ Ватан уруши даврида йигитларни фронтга жўнатиш ва етим болаларни вагонлардан тушириб олиш эпизодлари суратга олинаётган экан. Фильм ижодкорлари ҳозирги чароғон кунларимизда ўтмишнинг энг суронли дақиқаларини қайта «жонлантириш» учун жуда кўп меҳнат сарф қилишди. Уларнинг ҳақиқий бақир-чақиришлари, уёқдан-буёққа югуришлари, қайта-қайта репетиция қилдиришлари чамаси, ўша давр манзаралари ҳам қаторида республикамизнинг бир қатор областларида фаоллик кўрсатди.

Асли тошкентлик Карима опа бошқа областлар у ёқда турсин, республика пойтахти Тошкентда ҳам эскилик сарқитларига барҳам бериш унчалик осон кечмаганлигини яхши хотирлайди. Октябрь районидаги ҳозирги марказий телеграфда бир пайтлар «Қорёғди», «Орқакўча» маҳаллаларида хотин-қизларни озодликка чиқариш ишларида катта жонкуярлик кўрсатган. Бу ерларда хотин-қизларни артелларига жалб этиш соҳасида кўпгина ишлар олиб борилган.

Ҳали-ҳали эсида. Маҳаллининг хонадонларига бирма-бир кириб, уй бекаларини ана шу артелларга ишга киришга ташвиқот қилиб юрган кезларида кўпгина эркаклар уни уриб-туртиб уйларидан ҳайдаб чиқаришган эди.

Йиллар ўтди. Кариманинг ўзи ҳам турмушга чиқди. Аммо ҳамон паранжи-чачвонда эди: шароит, оила шуни тақозо этарди. Бир куни паранжидан димиққан Карима паранжисиз шартта кўчага чиқиб кетди. Чиқдию балога қолди. Маҳалланинг «казо-казолари» уни ярим йўлда тўхтатишиб, обрўсини тўкмоқчи бўлишди. Ургандан тортган ёмон, деганларидек кўпчилик ўртасида майна-масхара қилиш, иснодга қолдириш, изза-нафсига тегишдан ёмони йўқ экан.

— Йиғлаганимча уйга отилиб кирдим, — деб ҳикоя қилади у. — Кирасолиб, қайнонамнинг паранжисини ёпиндим. Ичимда: «Сенини, шошмай турларинг», дедим-да, паранжида кўчага чиқдим. Гузардан ўша қутурган эркаклар олдидан мардона ўтдим-да пастликка тушгач, паранжини қўйнимга кистириб олдим. Ўзимча, уларнинг устидан қаҳ-қаҳ уриб, хумордан чиқдим...

Йиллар ўтди. Карима опа бошқа областлар у ёқда турсин, республика пойтахти Тошкентда ҳам эскилик сарқитларига барҳам бериш унчалик осон кечмаганлигини яхши хотирлайди. Октябрь районидаги ҳозирги марказий телеграфда бир пайтлар «Қорёғди», «Орқакўча» маҳаллаларида хотин-қизларни озодликка чиқариш ишларида катта жонкуярлик кўрсатган. Бу ерларда хотин-қизларни артелларига жалб этиш соҳасида кўпгина ишлар олиб борилган.

Ҳали-ҳали эсида. Маҳаллининг хонадонларига бирма-бир кириб, уй бекаларини ана шу артелларга ишга киришга ташвиқот қилиб юрган кезларида кўпгина эркаклар уни уриб-туртиб уйларидан ҳайдаб чиқаришган эди.

Йиллар ўтди. Кариманинг ўзи ҳам турмушга чиқди. Аммо ҳамон паранжи-чачвонда эди: шароит, оила шуни тақозо этарди. Бир куни паранжидан димиққан Карима паранжисиз шартта кўчага чиқиб кетди. Чиқдию балога қолди. Маҳалланинг «казо-казолари» уни ярим йўлда тўхтатишиб, обрўсини тўкмоқчи бўлишди. Ургандан тортган ёмон, деганларидек кўпчилик ўртасида майна-масхара қилиш, иснодга қолдириш, иззат-нафсига тегишдан ёмони йўқ экан.

— Йиғлаганимча уйга отилиб кирдим, — деб ҳикоя қилади у. — Кирасолиб, қайнонамнинг паранжисини ёпиндим. Ичимда: «Сенини, шошмай турларинг», дедим-да, паранжида кўчага чиқдим. Гузардан ўша қутурган эркаклар олдидан мардона ўтдим-да пастликка тушгач, паранжини қўйнимга кистириб олдим. Ўзимча, уларнинг устидан қаҳ-қаҳ уриб, хумордан чиқдим...

Гап бунда эмас. Уларнинг ким бўлишидан қатъий назар бир пайтлар бошларини силаган, очлик, юпунликдан асраб қолган меҳрибон қўлларни бир умр унутишмайди. Бунга ишончимиз комил, албатта, Майли, баъзиларнинг қўли тегмай ўша меҳрибон аялар ҳолидан хабар ололмаслиқлари мумкин. Гапнинг очиғини айтганда, Карима опанинг шу маънода баъзи ҳасратларини ҳам эшитишга тўғри келди.

Опа етим болалар ҳақида катта ғамхўрлик кўрсатилганлигини жуда ёркин мисолларда ҳикоя қилиб берди. Масалан, Тошкентга етим болалар ҳолидан хабар олгани буюк пролетар ёзувчиси Максим Горькийнинг рафиқаси келганлигини ҳикоя қилиб берди.

Опанинг ҳикоясидан яна шу нарса маълум бўлдики, ўша оғир ва суронли йилларда ҳам баъзи ғаламислар ғаламислигича қолган экан. Масалан, фронтда жон бериб, қон кечаётган кишиларнинг оилаларига ҳукумат томонидан берилган совғаларни «қуён» қилишга уринганлар бўлган экан. Шундай оғир бир пайтда бундай ғаламисликка инсон зоти чидай олмасди, албатта.

— Онам бировнинг ҳатто дастрўмолига ҳам тегма, — деб қайта-қайта насиҳат қилардилар деб хотирлайди Карима опа.

Эл-юрт бахт-саодати йўлида, келгуси авлод ҳақида кўрсатилган саъй-ҳаракатлар зое кетмади, албатта. Шахсий пенсионер Карима Одилованинг қизи Нейля Ғофурова ҳозир Москвада ҳиндшунос олима, невараси Миркодир Миржалолов эса хитой тилидан дарс беради. Гуля Миржалолова эса афғон тилида ўқитади. Қўлимдаги неварам Розия Холмирзаева радиода форс тили эшиттиришларини тайёрлайди, — дейди опа.

Опа ҳамон тиниб-тинчимайди.

— Житомирдан Мария Кац келган деб эшитдим. Унинг беш фарзанди бор эди. Қизлари Кишинёвга кўчиб кетган эди. Икки қизи билан ўғли шу атрофда бўлиши керак. Қидириб, сира тополмаяпман. Улар ҳам мени излашаётган бўлиши эҳтимол, — деб куйинди сўзлайди у...

Хотима ўрнида

Қайсидир донишманд айтган экан: дунёда ҳеч бир эшитган, билган, кўрган нарсанг вужудингдан чиқиб кетмайди, қачондир бир кун у албатта ёдингга тушади, уни хотирлайсан. Ҳа, худди шундай! Карима Одилова узоқ ўтмиш воқеаларини шундай ҳикоя қилиб бердики, гўё бу воқеалар куни-кеча бўлиб ўтгандек: унинг хотирасида ёркин, ўчмас бўлиб сақланиб қолган. Хотирага айланган йиллар. У бизни тинимсиз сўроқлайди, нималаргадир ундайди, ҳаётий хулосалар чиқаришга кўмаклашади. Ҳа, ҳар бир кишининг ҳаётида ҳам ана шундай ҳолат кечади. «Йиллар сени сўроқлар» деб бежиз айтишмайди.

Ҳамид ИКРОМОВ.

«Ичкари» зулматидан— ёруғликка

Қанчадан-қанча тақиқларга, пўписа ва жазоларга қарамай Шарқ хотин-қизлари қоронғу зулматдан ёруғлик сари талпиндилар. Бунда уларни Турсуной ва Нурхонларнинг ўлдирилиши ҳам, энг даҳшатли жазолар ҳам чўчита олмади, йўлдан қайтара олмади! Карима опанинг сўзларини тинглар эканман, биринчи галда ана шу фикр хаёлимга келди.

... Кишилар ҳар куни мачитга намоз ўқигани келиб-кетишар, аҳён-аҳёнда отлиқ босмачилар мачит ёнидаги кўчани чангитиб ўтиб қолишарди. Ҳаммаёқ сув қуйгандек жим-жит бўлиб қолар, гўё қишлоқда ҳаёт асари йўқдек туюларди. 1925 — 1930 йилларда Қашқадарё области Чироқчи райони қишлоқларида аҳвол ана шундай эди.

Аммо Карима ва унинг дугоналари мачит орқасидаги яширин йўлдан беркиниб, янги ташкил этилган хотин-қизлар клубига қатнашини ҳеч ким билмасди. Бу иш шундай ташкил этилган эдики, кўча томондаги эшик доимо берк —қулфлоғлик турарди. Қулфни кўрган ҳар қандай киши бу ерда инсон зоти бўлмаса керак, деб ўйларди. Аммо... ичкарида ҳаёт қайнарди!

Ёш қиз-жувонлар биринчи марта мана шундай қулфи диллари очилиб гурунглашаётганлари учунми «ичкари» зулмати —азоб-уқубатлари ҳақида бир-бирларига тўлиб-тошиб гапиришар, қачон ёруғ кунлар келиши ҳақида ширин орзу қилишар эди. Ёш жувонларнинг эрлари айни шу пайтда мачитга қатнаётган бўлар, ўз хотинларининг мачит ёнгинасида юзларини «очишаётганидан мутлақо бехабар эдилар.

Кунлардан бирида бу сирни босмачиларга етказишганми, тўсатдан «қоровул» сигнал берди. У қиз-жувонлардан бирига «Кал келяпти!» деб шипшиди. Ашаддий босмачилардан бирининг лақаби ана шундай эди. Кўп ўтмасдан кўча чангитиб босмачи галалар ўтиб қолишди. Бу пайт қиз-жувонлар қулфлоғлик бино орқасидаги яширин йўлдан қочиб улгуришган эди. Келишилган шартлашувга мувофиқ яна вазият тинчигандан сўнг мажлиснинг давом эттирилдилар...

— Бир куни Шаҳрисабзга йиғилишга таклифнома олдим, — деб ҳикоя қилади Карима опа.— Йиғилиш соат олтиларда бошланиши керак эди. Бир гуруҳ хотин-қизлар билан гапни бир жойга қўйиб, учрашув жойини белгилаб олдик. Ёз пайти эди. Иссиқдан халлослаб бир ўзим қочиб кетаётсам рўпарамда бир саллали йигит пайдо бўлди.

— Қаёққа кетаяпсан? — деб мендан ёш бўлса ҳам сансираб сўради. Жаҳлим чиқди-да:

— Нима ишинг бор? — дедим. Бунинг сабаби бор эди, албатта. Мен унча-мунча йигитларга бўш келадиган қизлардан эмасдим. Бунақа чилашир йигитларнинг иккиучтасини гумдон қилишга бемалол кучим етарди. Аммо йигит ҳеч кутилмаганда оёғимга қамчи билан бир солиб қолди. Оёғимдан шу заҳотиёқ қон отилиб чиқди. Уни ушлашга ҳам, жазолашга ҳам фурсатим йўқ эди. Уша куни оёғимни боғлаб бир амаллаб мажлисга етиб борганим эсимда.

Зомин районидаги воқеалар ҳам опанинг ҳамон кўз ўнгида турибди. Йиллар хотираси уни ўтмиш саҳифаларини қайта-қайта варақлашга мажбур этмоқда. Уша пайтларда қулоқлар тинчгина-тинчгина қишлоқларигача Совет ҳокимиятига қарши яширин кураш олиб боришар, унинг снёсатига қандай бўлмасин қўпорувчилик йўли билан зарба беришга уринишарди. Опа бир неча бор қулоқларнинг яширин қўйган донларини топиб олишда иштирок этди.

Биз воқеани Қашқадарё, Самарқанд областларидан бежиз бошлаганимиз йўқ. Комсомол йигит ва қизларга оператив топшириқлар берилар, улар олис жойларга командировка қилинар эди. Карима Одилова ҳам ана шу-лар қаторида республикамизнинг бир қатор областларида фаоллик кўрсатди.

ЙИЛЛАР СЕНИ СЎРОҚЛАР

— Қаёққа кетаяпсан? — деб мендан ёш бўлса ҳам сансираб сўради. Жаҳлим чиқди-да:

— Нима ишинг бор? — дедим. Бунинг сабаби бор эди, албатта. Мен унча-мунча йигитларга бўш келадиган қизлардан эмасдим. Бунақа чилашир йигитларнинг иккиучтасини гумдон қилишга бемалол кучим етарди. Аммо йигит ҳеч кутилмаганда оёғимга қамчи билан бир солиб қолди. Оёғимдан шу заҳотиёқ қон отилиб чиқди. Уни ушлашга ҳам, жазолашга ҳам фурсатим йўқ эди. Уша куни оёғимни боғлаб бир амаллаб мажлисга етиб борганим эсимда.

Зомин районидаги воқеалар ҳам опанинг ҳамон кўз ўнгида турибди. Йиллар хотираси уни ўтмиш саҳифаларини қайта-қайта варақлашга мажбур этмоқда. Уша пайтларда қулоқлар тинчгина-тинчгина қишлоқларигача Совет ҳокимиятига қарши яширин кураш олиб боришар, унинг снёсатига қандай бўлмасин қўпорувчилик йўли билан зарба беришга уринишарди. Опа бир неча бор қулоқларнинг яширин қўйган донларини топиб олишда иштирок этди.

Биз воқеани Қашқадарё, Самарқанд областларидан бежиз бошлаганимиз йўқ. Комсомол йигит ва қизларга оператив топшириқлар берилар, улар олис жойларга командировка қилинар эди. Карима Одилова ҳам ана шу-

ДИЛЛАР ДИЛГА ПАЙВАНД

Мусаффо осмонимиз тинч. Гулгун чеҳралар бахтиёрликдан масрур. Атрофга боқаман-у бахтли-саодатли ҳаётимиздан қалбим қувончга тўлади. Жаҳондаги биринчи социалистик давлат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг шу қадар мисли сез равнақ топиб, гуллаб-яшнаши В. И. Ленин ғояларининг тантаноси, буюк инқилоб шарофати туфайлидир. Октябрь қуёши бизга тенглик, озодлик берди, ўзлигимизни танитди. Қардошлик онласига бирлашиб, бугунги фаровон ҳаётимизнинг пойдеворини мустаҳкамладик.

7 ноябрь айёмини бригадамиз аъзолари меҳнатда юқори натижалар билан кутиб оладилар. Бунга ҳозирданоқ замин яратиб боряпмиз. Тўрт ойлик планни белгиланганидан бир неча кун аввал бажариб қўйдик. Бунинг эвазига ҳисобимизда қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот минг погон-метрдан ошиб кетди. Бунга биз иш вақтидан оқилона фойдаланаётганимиз туфайли эришаяпмиз. Қолаверса, фантехника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан олиб борилаётган тадбирлар ҳам ишимизнинг ривожига катта имконият яратмоқда.

Бригадамиз кўпминг кишилик корхонамизнинг фахри десам муболаға қилмаган бўламан. Жадаллаштириш ва қайта қуриш вазифалари бизни яна ҳам яхшироқ ишлашга, имкониятларимиздан реал даражада фойдаланишга ўргатмоқда.

Ҳозирги кунда корхонамизга Москва областининг «Климовский заводи»дан келтирилаётган АТПР-100-4 маркали тўқув дастгоҳлари бизнинг янада унумли ишлашимизда қўл келмоқда. У фақатгина маҳсулот сифатини оширибгина қолмай, иш жараёнида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишда ҳам ёрдам беради. Унга ўрнатилган автоматик сигнал мана шундай қулайлик яратди. Юқори унумли бу дастгоҳларнинг ҳозир корхонамизда 56 таси мавжуд. Келгусида улар сонини янада оширишга кўзда тутилмоқда. Менга мана шу дастгоҳларнинг 30 тасига хизмат кўрсатиш вазифаси юклатилган. Бу типовой нормадагидан тўққизта кўп. Дастгоҳлар қувватидан унумли фойдаланиб, юбилей йилида зиммамга олган мажбуриятимни тўла адо этиш учун ўзаро меҳнат беллашувида актив иштирок этяпман. Мақсадим 7 ноябрга қадар ўн иккинчи беш йиллигимнинг уч йили планини уддалаш. Бу ҳаракатга қўшилган тўқувчилар бригадамизда кўпчиликни ташкил этади. Пернегул Қулмуҳамбетова, Люба Тютю, Маҳфузар Умурзоқова сингари шижоаткор тўқувчи-ёшлар Улуғ Октябрнинг 70 йиллигигача икки йиллик планни бажаришни кўзлашмоқда. Шунинг қувончлики, бу тўқувчиларнинг ҳаммаси ўзимнинг шогирдларим. Улар билан ёнма-ён меҳнат қилиб, коллектив ютуғига шахсий ҳиссамни қўшаётганлигимдан фахрланаман. Бу биргина менга эмас, интернационал коллективимизнинг ҳар бир аъзосига хос бўлган фазилат.

Е. ГУБИНА,
Тошкент тўқимачилик комбинати 2-тўқув фабрикаси 2-цехи тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Ҳамон ўзгариш йўқ

Қўчамизга кирган кишининг ям-яшил дарахтлару, кўм-кўк майсаларни кўриб ҳаваси келиши, шубҳасиз. Четдан қараганда бу ерда ҳамма нарса худди ўз ўрнидагидек. Қанийди, шундай бўлса. Афсуски, канализация системасининг йўқлиги бизни ташвишга солмоқда. Бир пайтлар биз истиқомат қилаётган Қўрғончa проездига ҳам канализация системаси ўтказилиши ҳақида миш-мишлар тарқалганди. Аммо бу иш билан ҳеч ким қизиқмади чоғи, ҳозиргача ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Канализация системасининг йўқлиги бизга катта қийинчиликларни туғдирмоқда. Ёғингарчилик кунларида ҳандақ жойларга сув тўпланиб, ифлосланиб кетаётир. Бунинг натижасида санитария-гигиена қоидалари ва нормаларига риоя этишимиз издан чиқмоқда.

Проездимиздаги бир қанча хонадон эгалари шу масала бўйича мутасадди идораларга бир неча бор мурожаат этишди. Афсуски, ҳеч қандай амалий чора кўрилмаяпти.

ЗУФАРОВлар онласи,
Октябрь район 2-Оқсой кўчасининг Қўрғонча проезди.
(Хатга жами 18 оила вакили имзо чеккан).

Луқма

Арзимизни кимга айтайлик?

Биз «Главташкентстрой»га қарашли 21-ётоқхонада истиқомат қиламиз. Кўпчилигимиз институтларнинг кечки курсларида таълим оламиз. Бизнинг ётоқхонада 1986 йил 1 декабрдан бошлаб ремонт ишлари бошлаб юборилган ва бу ишни кўпи билан 3-4 ойда тугатишга сўз беришган эди. Шу бонс кўпчилигимизни ётоқхонадан чиқариб юборишганди, баъзиларимизни бир ва икки қаватлардаги студент-ишчилар яшаб турган хоналарга жойлаштиришган. Ноиложликдан икки кишилик хоналарда беш-олти киши бўлиб яшамоқдамиз.

Мана, орадан беш ой вақт ҳам ўтибдики, ҳали ҳам учинчи, тўртинчи қаватнинг ремонти тугагани йўқ, ҳамма қаватларда инвентарлар сочилиб ётибди. Қачонгача бу аҳволда яшаймиз?

Р. РАЖАБОВ,
А. АХМЕТОВ.
Жами 9 имзо.



КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг снёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуришнинг асосий йўналишлари» лойиҳаси кўп сонли пропагандистларни изланишга, ўқув самарадорлигини оширишга ундамоқда. Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг бир группа тажрибали пропагандистлари ҳам машғулотлар савиясини ошириш, унинг ҳаёти билан алоқасини мустаҳкамлаш ҳақида жон куйдиришяпти.

СУРАТДА: пропагандистлар — У. Орипов, Л. Фатеева, У. Саъдиев, З. Неъматовалар.

М. Нуриддинов фотоси.

Омадсиз балиқчилар

Дам олиш куни балиқ овлаш мақсадида ариқ лабига келган болаларнинг иштиёқи тезда сўнди. Биринчи ва иккинчи ташлашдаёқ қармоққа илинган консерва банкалари ва бошқа чиқиндилар уларнинг ҳафсаласини пир қилиб юборди. Ҳатто болаларни четдан кузатиб турган нуроний отахон ҳам уларнинг ови юришмаганидан хафа бўлиб кетди.

— Ўғилларим, бу ердан балиқ тутаман деб овора бўлманглар, — деди у болакайлар ёнига келиб. — Темир-терсак, шох-шаббалар ва турли ахлатлар тўкиб ташланган бу ариқда балиқ қандай яшайди? Унинг устига-устак анави гаражларда турадиган машиналарнинг мойлари, ёғга ботган латталар ҳам шу ерга ташланади...

Болалар ачиниш билан балиқ овидан хафа бўлиб қайтишди. Чунки Чилонзор массивининг 3-кварталидан оқиб ўтувчи ариқнинг аҳволи шундай бўлса, ким ҳам ранжимайди дейсиз?! Бу ариқ 66, 162, 168-мактаблар ва саккизта болалар боғчаси майдонига яқинроқдан оқиб ўтади. Уни тозалаш ва хавфсиз ҳолатга келтириш учун ота-оналар бир неча бор мутасадди ташкилотларга мурожаат қилдилар. Аммо шикоятчилар талабини қондириш ҳамон пайсалга солиб келинмоқда.



СУРАТЛАРДА: ариқнинг аянчли аҳволи.

Автор фотолари.

Х. ЖАББОРОВ.

Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ТИНЧЛИК ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

● ПРАГА. Жанубий Чехиядаги Витеевице аҳоли пунктида Тинчлик ҳайкали тантанали равишда очилди. Гитлерчилар Германиясини узил-кесил тормор этган Совет ва Америка армияларининг қисмлари 42 йил муқаддам шу ерда учрашган эдилар. Митингда ЧССР миллий мудофаа министрининг биринчи ўринбосари генерал-полковник Карел Русов ва СССРнинг ЧССРдаги элчихонаси ҳарбий атташеси генерал-майор Юрий Челпанов сўзга чиқдилар. Ҳайкал мамлакатлар ва халқларни Ер юзида тинчлик ва хавфсизлик учун, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва оммавий қирғин қуролини тугатиш учун курашда бирлаштиришга даъват этади, деб таъкидлашди улар.

АҚШнинг ЧССРдаги элчихонаси вакиллари Тинчлик ҳайкалини очиш маросимида қатнашишдан ва фашизмга қарши кураш ҳақрамонлари бўлмиш ўз ватандошларига ҳурмат бажо келтиришдан бош тортдилар.

Объективда — ПХР



ПХР. Польша пойтахтининг маданият ва истироҳат боғларн аҳолининг фахри ва севимли масканн ҳисобланади. Минглаб варшаваликлар дам олиш вақтларини Белян, Вилянув, Лазенка боғларида ўтказишади.

СУРАТДА: Вилянув боғидаги сарой. Бу ерда Варшава миллий музейининг филиали жойлашган.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● **СОФИЯ.**

Болгарияда ёшларнинг илмий ва техникавий ижодкорлик ҳаракати ўз ривожининг сифат жиҳатдан янги босқичини бошдан кечирмоқда. Ҳукумат қабул қилган қарорга биноан, бу ҳаракатнинг мамлакатдаги 6 мингдан кўпроқ клуби ўзини-ўзи бошқаришга ўтказилмоқда ва тўла иқтисодий мустақиллик касб этмоқда. Шу мақсадда уларнинг ижодий режалари маҳаллий хўжалик ташкилотларининг планларига киритилмоқда. Ҳар бир шаҳар ва посёлкада, кўпгина ўқув юртларида тузилган «Компьютер» клублари ЭҲМ учун программа тайёрлаш марказлари бўлиб қолади. Бу ишланмаларнинг аниқ-равшан йўналиши, иқтисодий манфаатдорлик туфайли шу ҳаракат фан-техника тараққиётининг қудратли омили бўлиб қолиши лозим.

● **ВЕНА.**

Совет раҳбарларининг мухолифлик хавфини камайтириш, ҳам ядровий, ҳам оддий қуролларни қисқартириш масалаларига, ғарб билан снёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришга ёндашуви ялпи хавфсизликни таъминлаш принципини эътироф қилиш билан белгиланади. «Генераллар—тинчлик ва қуролсизланиш тарафдори», деб аталган ҳамда НАТО блокида қатнашувчи бир қанча давлатлар истеъфодаги генерал ва адмиралларини бирлаштирувчи халқаро группанинг бу ерда эълон қилинган баёнотида шу фикр уқтирилиб ўтилади. Баёнотда таъкидланишича, Совет Иттифоқи Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларнинг ҳамма соҳаларида мухолифликдан ҳамкорликка ўтиш имкониятларини собит қадамлик билан жиддий равишда изламоқда.

● **НЬЮ-ЙОРК**

Якшанба куни АҚШда «оналар куни» ўтказилиши муносабати билан ғарбий Германиядаги Кёльн шаҳрида ўтаётган ярмаркага келаётганларнинг диққат-эътиборини ғайритабиий ҳайвонлар жалб этмоқда. Бу ҳайвонлар сигирлар бўлиб, уларнинг бўйи бир метрни ташкил этади.

Будавайолик фермер Кен Хамернинг айтишича, бу зотдаги сигирлар дунёдаги энг митти сигирлар ҳисобланаркан. У бундай сигирлардан 35 тасини боқишга муваффақ бўлган. Бу тажрибага у 15 йил сарф қилган, «йил ўтгани сайин яна ҳам митти зотларини парвариш қилишга ҳаракат қиламан» дейди фермер.

Хамернинг таъкидлашича, унинг сигирлари экзотик бўлиш билан бирга, турли хислатларга ҳам эга экан: улар ўта чидамли ва кунда ҳар бири ўн литрдан сут беради.

● **ВАШИНГТОН**

Бугун Қўшма Штатлар қамоқхоналарига ташланган кишилар 6,8 процент кўпайди. АҚШ Юстиция министрлигининг якшанба куни тарқатилган маълумотномасида шу рақам тилга олинган. Ҳужжатда тан олинишича, кейинги йилларда ҳамма штатларда жиноятчилик анчагина кўпайганлиги сезилмоқда. Маҳаллий маъмурлар суд томонидан турли қамоқ муддатларига ҳукм қилинган кишиларни жойлаштиришда қийин аҳволга тушиб қолмоқдалар, деб таъкидланади маълумотномада.

● **ПАРИЖ**

«Компани женераль Дъэлектристне» концернининг акциялари бугун биржага топширилади. Шу тариқа Франция давлат саноатининг катталиги жиҳатидан учинчи корхонаси хусусий кишилар қўлига ўтказилади. Ўнг партиялар ҳукумати ўзининг сайловолди ваъдалари доирасида ҳозиргача давлат секторининг бир неча корхонаси ва банкини давлат ихтиёридан хусусий кишилар қўлига топширди. Франция Компартияси давлат компанияларини хусусий капитал ихтиёрига топширишни кескин қоралади. Унинг таъкидлашича, бу йўл миллий манфаатларга зид бўлиб тушади, меҳнаткашларнинг социал ғалабаларига путур етказади.

ИНСОН ЁШИ НЕЧАДА?

Инглиз ва Америка биолог олимлари инсон генетик ва биохимик томонидан шимпанзе ва горилла билан тўлақонли ўхшамасликларини аниқлашди. Бу янгилик, инсон 20 миллион йилдан буён маймундан пайдо бўлиб келганлиги ҳақидаги таълимотни рад этади.

Инсон ва баъзи маймун зотларининг оқсил моддаси парчаларини текшириш ишларини биринчи бор АҚШдаги Уэйиск университетининг профессори Морис Гудмен ўтказди. Текшириш шуни кўрсатдики, инсон ва горилла, шимпанзе организмидаги тафовут бор-йўғи бир процентни ташкил этаркан. Демак, генлар ўртасида қанчалик кўп фарқ бўлгани сари бу икки мавжудот авлодлари ўртасидаги узилиш ҳам анча олдин бўлган экан. Олимлар инсон маймундан узоқ — беш миллион йил аввал ажралиб чиққанлигини аниқланган, деб ёзади «Обсервер» (Буюк Британия) газетаси.

Калейдоскоп

КИЧКИНА СИГИРЛАР...

Зимбабвенинг Булавайо шаҳрида ўтаётган ярмаркага келаётганларнинг диққат-эътиборини ғайритабиий ҳайвонлар жалб этмоқда. Бу ҳайвонлар сигирлар бўлиб, уларнинг бўйи бир метрни ташкил этади.

Будавайолик фермер Кен Хамернинг айтишича, бу зотдаги сигирлар дунёдаги энг митти сигирлар ҳисобланаркан. У бундай сигирлардан 35 тасини боқишга муваффақ бўлган. Бу тажрибага у 15 йил сарф қилган, «йил ўтгани сайин яна ҳам митти зотларини парвариш қилишга ҳаракат қиламан» дейди фермер.

Хамернинг таъкидлашича, унинг сигирлари экзотик бўлиш билан бирга, турли хислатларга ҳам эга экан: улар ўта чидамли ва кунда ҳар бири ўн литрдан сут беради.

«САЛОМАТЛИК» клуби

БИЗНИНГ УМУМИЙ ИШИМИЗ

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муҳим умумхалқ ва давлат аҳамиятига молик вазифа бўлиб нафақат ҳозирги, балки келажак авлодлар фаровонлиги ва саломатлиги бу вазифанинг муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқдир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мазкур муаммони ҳал этишда ривожланган социалистик жамият шароитида атроф-муҳитни ифлосланишдан муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун фан ва техника ютуқлари асосида реал имконият мавжудлиги ҳақидаги принципал қоидадан келиб чиқмоқдалар.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан Ўзбекистонда ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадлар учун анчагина маблағ ажратилаётир, масалан, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан (ўрмон хўжалиги операция харажатларини қўшган ҳолда) оқилона фойдаланиш учун кетган маблағнинг умумий суммаси 1981—1985 йилларда 427,6 миллион сўм, шу жумладан 1985 йилда 108,6 миллион сўмни ташкил этди. Каттагина қувватга эга бўлган оқава сувларни тозалаш иншоотлари, ишлатилиб турилган сув таъминоти системалари, чиқаётган газлардан зарарли моддаларни тутиб олиш ва зарарсизлантириш учун ҳар хил қурилмалар ишга туширилди.

Республикада ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биосфера» программаси бўйича Ўзбекистон миллий комитети 1979 йилдан бери ишлаб турибди. «Атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва унинг биосферага таъсирини ўрганиш» 14-лойиҳа мазкур программа таркибига киради. Ҳозирги вақтда лойиҳа юзасидан ишланмаларни амалга оширишда 25 илмий муассаса, шу жумладан .Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Гидрометеорология ва табиий муҳитни назорат қилиш бўйича Ўзбекистон бошқармаси, СоюзНИХИ, САНИИРИ, кўпгина олий ўқув юртлари каби йирик муассасалар иштирок этмоқдалар. Мувофиқлаштирувчи ва етакчи муассаса — Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг санитария, гигиена ва касб касалликларини илмий-тадқиқот институти ҳисобланади. Бу эса лойиҳа, саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида профилактика, соғломлаштириш, гигиена деб аталувчи илмий тадқиқот ишлари олиб бориладиган инсон таркибий қисми ҳисобланмиш атроф-муҳити ифлосланиши ва унинг биосферага таъсирини ўрганишни кўзда тутганлиги билан боғликдир.

Кейинги йилларда атроф-муҳитни муҳофаза этишни яхшилаш борасида кўпгина ишлар қилинди. Бироқ эришилган ютуқлар билан кифояланиб бўлмайди. Аксарият шаҳарлар ва қишлоқ посёлкаларида атмосфера ҳавоси, тупроқ ва сув объектларининг ифлосланиши давом этаётир. Бу ифлосланишга саноат объектларида экологик хавфсиз технологияни ва зарурий тозалаш иншоотларини суст жорий қилаётган, қишлоқ хўжалигида заҳарли химикат (масалан, бутефос) ва минерал ўғитларни ўйламайнетмай ва санитария қоидаларига риоя қилмай қўлланаётган, шунингдек, автокорхоналарда транспортдан нотўғри фойдаланаётган турли министрликлар ва идоралар ўз улушларини қўшмоқдалар. Аҳоли кенг оммаси ўртасида ҳам ўзбек халқи учун қадим замонлардан бери характерли бўлиб келган сувга, сув манбаларига нисбатан тежамкор муносабатда бўлиш астасекин йўқолиб бормоқда. Ҳолбуки, атроф-муҳитнинг ифлосланиши умуман жамиятга бўлгани каби алоҳида ҳисоблаганда ҳар бир кишига ҳам зиён келтириши исботланган, давлат соғлиқни сақлашга ва инсон саломатлигини асрашга жуда катта маблағ сарфланмоқда.

АТМОСФЕРА ҲАВОСИ ВА СУВНИНГ ТОЗАЛИГИ УЧУН

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши нафақат халқ хўжалигига ва экономикага катта зиён келтиради, балки инсон организмига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин, чунки чанг ва газсимон кимёвий моддаларнинг зарралари нафас йўлларига, ўпкага, ундан кейин қонга кириб бориши мумкин. Бир қатор юқумли касалликлар ҳам ҳаво йўли билан ўтади. Ҳаво ҳавзасининг ифлосланиши бошқа номатлуб санитария-гигиена оқибатларга ҳам эга: катта биологик аҳамиятга молик ва ҳоналарни ёритишга алоқадор бўлган ультрабинафша нурланишнинг камайиши; яшил экинзорларнинг зарарланиши ёки ҳатто ҳалок бўлиши; аҳолн турмуш шароитининг ёмонлашуви шулар жумласидандир.

Қозонхоналар, уйларнинг иситилиши, саноат чиқиндилари, автотранспорт ишлаб чиқарадиган газлар шаҳарларда ҳаво ифлосланишининг энг оммавий манбалари ҳисобланади. Қишлоқ жойларда ифлосланишнинг бу манбаларига заҳарли химикатлар ва минерал ўғитлар ҳам қўшилади.

Республикада атмосфера ҳавосининг тозалиги ва юқорида айтиб ўтилган тадбирлар самарадорлиги устидан доимий лаборатория назорати ўрнатилган. Ўзбекистон ССР Олий Совети 1981 йилда қабул қилган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун»ни бузишда айбдор ҳисобланган ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари, айрим граждалар маъмурий жаримага, ўта хавфли ҳолларда эса жиноий жавобгарликка тортиладилар. Бу борада иш олиб борилмоқда ва бунда атмосфера ҳавосини ифлослантиришга қарши курош юзасидан белгиланган тадбирлар турмушга татбиқ этилишига алоҳида аҳамият берилаяпти. Бу ёрда ҳом ашё, оралиқ маҳсулотлари ва чиқиндисиз ёки кам чиқиндили технология принципидаги ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тўла-тўкис фойдаланишни таъминлайдиган технологияни ишлаб чиқиш ва қўллашишни ўз ичига оладиган технологик тадбирларга устунлик берилади. Эритувчилардан қайта эритгич олиш, ишлаб чиқариш ускуналарини ҳаво ўтказмайдиган қилиб зичлаш, уюшмаган ташландиқларни камайтириш, қуруқ жараёнларни ҳўли билан алмаштириш, тутунсиз, кам тутунли ва олтингугурти оз ёқилғиларни қўллаш ва бошқалар ҳам шунга киради.

Маълумки, Шамол йўналишини ҳисобга олган ҳолда ташландиқлар манбалари ва истиқомат даҳаларини тўғри қурилишлари билан ифлосланиш манбалари ўртасида санитария-ҳимоя зоналарини вужудга келтириш планли тадбирлар сирасига киради. Санитария-техника тоифасидаги тадбирлар ишлаб чиқариш технологиясининг мазкур даражаси учун характерли тарзда пайдо бўладиган муаллақ ва газсимон ифлослантирувчиларнинг атмосферага чиқишини камайтиришга қаратилган бўлиши керак. Тадбирларнинг махсус комплекси автомобиль транспорти ишлаб чиқарган газлар билан ҳамда қишлоқ хўжалигида заҳарли химикатлар ва минерал ўғитларни қўлланишда атмосфера ҳавосининг ифлосланишига қарши курашни кузда тутади.

Зарарли моддалар (ПДК)ларни гигиеник жиҳатдан нормаллаштириш ва ҳаво ҳавзасини ифлослашишдан сақлаш борасидаги санитария қонун-қоидалари асосига риоя қилиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Республика гигиеначиларининг бу муаммога катта аҳамият бераётганликлари бежиз эмас. Атмосфера ҳавоси гигиенаси лабораториясида профессор Раҳмат Убайдуллаев раҳбарлигида бу йўналиш бўйича бир қатор актуал илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Хусусан, атмосфера ҳавосида зарарли моддаларни гигиеник нормаллаштириш назарияси ва практикаси юзасидан муҳим натижаларга эришилди. Республиканинг саноат чиқиндилари ва автотранспортлари ишлаб чиқарган газлари мавжуд бўлган шаҳарлари учун ҳаво ҳавзасининг ифлосланиш даражасига гигиеник жиҳатдан баҳо берилди. Республикада кимёвий моддаларни гигиеник нормаллаштириш билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар етарли даражада ривожланган, алоҳида олинган 50 та зарарли модда ва бу зарарли моддаларнинг 15 хил аралашмаси учун ПДК ишлаб чиқилган. Бу нормативлар санитария-эпидемиология хизмати ходимлари томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини кучайтириш мақсадида қўлланилмоқда.

Медицина фанлари кандидати Ш. С. Баҳриддинов бошчилик қилаётган заҳарли химикатлар ҳамда минерал ўғитларнинг гигиенаси ва токсикологияси лабораториясида ўтказилган илмий тадқиқотлар ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бу тадқиқотлар тупроқда, сувда, ҳавода, озиқ-овқат маҳсулотларида кўплаб препаратларни гигиеник нормалаштириш, анчагина янги препаратларга токсикологик жиҳатдан баҳолаш имконини берди, қишлоқ хўжалигида заҳари камроқ, инсон учун хавфи озроқ кимёвий бирикмаларни жорий этишга кўмаклашди.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида ўсимликлар ҳимояси учун биологик воситаларни қўллаш билан боғлиқ бўлган гигиеник тадқиқотлар ҳажми анчагина кенгайди. Муҳим ижтимоий ва халқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлган сув таъминоти ва сув объектларини санитария жиҳатидан сақлашга доир масалалар юзасидан анчагина илмий тадқиқотлар олиб борилди. Масалан, сув ва тупроқ гигиенаси лабораториясида профессор И. И. Ильинский раҳбарлигида республиканинг турли регионларида сувдан фойдаланишнинг санитария шароитлари ўрганилаяпти. Сув омборлари ва кичик дарёларни ифлослашнинг санитария қоидаларига риоя қилиш керак.

Саноат корхоналари диққатини тупроқ гигиенаси билан боғлиқ бўлган иккита муаммонинг аниқ-равшан ҳал этилишига қаратиш лозим. Улардан бири тупроқнинг кимёвий моддаларга эга бўлган ташландиқлар билан ифлосланиш эҳтимоли билан боғлиқ муаммодир. Иккинчиси — саноат заҳарли чиқиндиларини ҳисобга олиш ва сақлаш масаласи. Уларнинг иккаласи ҳам ўлка гигиенасининг диққат марказида турибди. Ўзбекистон учун хос бир қатор саноат тармоқлари, чорвачилик ва паррандачилик фабрикаларининг оқава сувларидан тупроқни зарарсизлантириш ҳамда улардан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг гигиеник асослари ишлаб чиқилди. Маиший ва саноат чиқиндиларидан қайта фойдаланишнинг турлича усулларига, микроўғитларга, плёнкалаштирувчиларга гигиеник характеристика берилди, уларни қишлоқ хўжалигида қўлланишни тавсия қиламиз. Ўрта Осиё шароитида тупроқда молибден (ялтироқ қатлик металл), кобальт (кумушсимон оқ-кизғиш металл) ва вольфрам (қаттиқ, эриши қийин ялтироқ металл)ни гигиеник нормалаштириш бўйича биринчи марта тадқиқотлар олиб борилмоқда.

ҲАММА ЖОЙДА САНИТАРИЯ ТАРТИБИ БЎЛСИН

Тупроқ ифлосланишининг олдини олиш учун суюқ ва қуюқ чиқиндилар ҳамда ташландиқларни тўплаш, сақлаш, юклаш ва зарарсизлантиришнинг замонавий, гигиеник жиҳатдан асосланган системаси бўлиши кераклиги ҳаммага яхши маълум. Бундай системанинг тўғри ишлаши атроф-муҳити ифлослашишининг олдини олишга ёрдам беради ва аҳоли турмушининг лозим даражадаги санитария шарт-шароитларини таъминлайди. Бироқ бундай ҳолатга эришиш мутлақо осон эмас. Бунинг учун бир қатор гигиеник низомлар ва санитария қоидаларига риоя қилиш зарур. Биринчидан, гигиена ва иқтисодий нуқтаи назаридан қараганда, маиший қаттиқ чиқиндиларни алоҳида тўплаш ва сақлашни кўзда тутиш ҳамда амалга ошириш керак. Бунда чиқиндилар (озиқ-овқат қолдиқлари, макулатура, темир-терсак, пластмасса ва полиэтилен)ни навларга ажратиш ва алоҳида-алоҳида челакларда тўплаш лозим. Уларни имкони борича тезроқ олиб кетиш ва асфальтланган четки ҳошияли майдончанинг махсус ажратилган жойига ўрнатиладиган, усти беркиладиган, алмаштириб турилдиган контейнерларда сақлаш даркор. Иккинчидан, уларни ташиш махсус жиҳозланган транспортда амалга оширилиши керак. Ва ниҳоят, учинчи мажбурий шарти — маиший қаттиқ чиқиндиларни такомиллаштирилган ахлатхоналарда зарарсизлантириш ёки уларни ахлат-утиль заводларида қайта ишлаш ҳисобланади.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси билан санитария-тозалаш махсус ташкилотлари — автодормехбазалар шуғулланадилар. Уларнинг ишида ғоят жиддий камчиликлар мавжуд, махсус автотранспортнинг етишмаслиги ва улардан ёмон фойдаланиш, чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетмаслик, санитария қоидаларига риоя қилмаслик ва бошқа кўплаб шунга ўхшаш камчиликларни айтиб ўтиш мумкин.

Шуниси ҳам борки, баҳорги-ёзги мавсумда санитария тозалаш масалаларига эътиборни кучайтириш лозим. Уйларга яқин бўлган кўчалар ва ҳовлилар территорияларида тозаликни сақлаш ва ободонлаштириш ишлари юқумли касалликлар тез тарқалишига қарши муҳим санитария-гигиена аҳамиятига эгадир. Пашшага қарши мунтазам кураш олиб бориш, ахлат ва гўнгларни чиқариб ташлаш, маиший чиқиндиларни зарарсизлантириш (компостлаш)нинг санитария қоидаларига риоя қилиш керак.

Саноат корхоналари диққатини тупроқ гигиенаси билан боғлиқ бўлган иккита муаммонинг аниқ-равшан ҳал этилишига қаратиш лозим. Улардан бири тупроқнинг кимёвий моддаларга эга бўлган ташландиқлар билан ифлосланиш эҳтимоли билан боғлиқ муаммодир. Иккинчиси — саноат заҳарли чиқиндиларини ҳисобга олиш ва сақлаш масаласи. Уларнинг иккаласи ҳам ўлка гигиенасининг диққат марказида турибди. Ўзбекистон учун хос бир қатор саноат тармоқлари, чорвачилик ва паррандачилик фабрикаларининг оқава сувларидан тупроқни зарарсизлантириш ҳамда улардан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг гигиеник асослари ишлаб чиқилди. Маиший ва саноат чиқиндиларидан қайта фойдаланишнинг турлича усулларига, микроўғитларга, плёнкалаштирувчиларга гигиеник характеристика берилди, уларни қишлоқ хўжалигида қўлланишни тавсия қиламиз. Ўрта Осиё шароитида тупроқда молибден (ялтироқ қатлик металл), кобальт (кумушсимон оқ-кизғиш металл) ва вольфрам (қаттиқ, эриши қийин ялтироқ металл)ни гигиеник нормалаштириш бўйича биринчи марта тадқиқотлар олиб борилмоқда.

КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШНИ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммосини ҳал этишда, майдонлар ва кўчалар, истиқомат микрорайонлари ва хусусий ҳовлилар территорияларини кўкаламзорлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Яшил дарахтлар фақат аҳоли пунктларини зеболаштириб ва инсонга эстетик завқ беришгина қолмай, айни вақтда катта гигиеник ролни ҳам ўйнайди; ҳарорат ва ҳаво намлигини қулай қилиб ўзгартиради, шамолнинг кучини камайтиради, кўча шовқинини пасайтиради, ҳавони чанг ва зарарли газлардан тозалайди.

Шунинг учун ҳам гигиеначилар кўкаламзорлаштириш масалаларига катта ва доимий эътибор бераётганликлари бежиз эмас. Бу масалада улар мустаҳкам позицияга эгадирлар: ўзгача йўл йўқ, кўкаламзорлаштиришни авж олдириш, шаҳримизни боғ-роғлар шаҳрига айлантириш зарур.

Бизнинг табиий-иқлим шароитимиз (қуёшли кунларнинг кўплиги, ўсимликлар ўсиш даврининг узоқлиги, тупроғимизнинг унумдорлиги), миллий анъаналаримизнинг ҳаммаси шундан далолат беради. Иқлимнинг айнан шу ўзига хослиги гигиеначилар ҳамда шаҳарсозлар олдига ёзги иссиқ даврда аҳоли турмуш шароитини енгиллатишга қаратилган вазифаларни қўядики, улар инсон фаровонлиги учун фойдаланиши мумкин ва шарт. Гап мевали ёки манзарали дарахтлар устида кетганда баъзилар бактерияларни ўлдирадиган қудратли хусусиятга эга бўлган, яъни касал тарқатувчи микроорганизмларга қирон келтиришга қодир қарағай, туядарахт ва арчаларни «сояси ҳамда меваси йўқ», деб камситадилар. Шунингдек, шаҳарларга санитарлардек олижаноб хизмат кўрсатувчи бошқа манзарали дарахтлар ҳам борки, уларнинг вазифасини мевали дарахтлар эплай олмайди.

Шу муносабат билан ўсимликлар атмосфераси ҳавосининг доимий таркибини бир хилда тутиб туришга кўмаклашишни, шаҳар ва қишлоқларда «ўпка» вазифасини бажаришни, ёзги жазирама кунларда атрофга салқин беришни, қарағай, оқ қарағай (пихта), арча каби баъзибир дарахтларнинг, юқорида айтиб ўтилганидек, бактерияга қарши активлик кўрсатишини эслатиб ўтиш ўринлидир. Ўсимликлар ҳавонинг зарядланган зарралари таркибини ўзгартиради: инсон организмига яхши таъсир қиладиган, унинг ишқилдик баргли яшил ўсимликлар (бужун, қайрағоч, тут, ёнғоқ ва бошқалар) чангни, айниқса, яхши тутиб қолади. Лекин яшил дарахтлар чангдан сақланишда фақат механик фильтр ролини ўйнабгина қолмай, шунингдек газлар учун кимёвий фильтр ҳам ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам гигиеначилар яшил дарахтлар тури ва хилларини танлаш вақтида уларнинг барча ижобий ва салбий хусусиятлари инобатга олинса, шаҳарнинг функционал зоналари бўйича яшил либосни тарқатишда табақалаштирилган ёндашувга риоя қилинсагина шаҳар ёки бошқа аҳоли пункти тўлақонли кўкаламзорлаштирилган, деб ҳисоблайдилар.

Масалан, катта йўл атрофидаги дарахтлар санитар-ҳимоячилар бўлиб, улар биринчи навбатда ишлаб чиқарилган газлар, чангларнинг асосий қисмини ўзига қабул қилади, истиқомат даҳаларини ўта шовқиндан сақлайди. Борди-ю, шундай вазиятда мевали дарахт бўлса, аҳвол қандай кечарди? Улар бардош бера олармиди? Бу ҳали тасдиқланишга муҳтож. Лекин заранг, қайрағоч, чинор, терак, оқ акас, қарағай, туядарахт, арча, наъматак, сирень сингари дарахт ва буталарнинг кўплаб газ ютиш қобилияти ва мустаҳкамлиги, шунингдек чанг тутиш хусусияти борлигини рад қилиб бўлмайди. Булар илмий асосланган ва илмий исботланган маълумотлардир. Демак, катта йўл четида айнан шулар ўсиши керак.

Уфқнинг ғарбий ёки шарқий румби (11, 25° га тенг компас даражаси)га қараганда уйларнинг олдига яхши шохлайдиган, адл танали дарахтлар (эман, мирзатерак)ни экиш маъқул. Япроғи тез тўкиладиган (Америка қайрағочи ва бошқалар) дарахтларни экмаслик лозим, чунки, Ўзбекистон шароитида сентябрь ойи ҳали иссиқ вақт ҳисобланади. Шунингдек корхоналар, айниқса зарарли газлар ва чанг билан ҳавони ифлослантирадиган корхоналар территорияларига ҳамда уларнинг санитария-ҳимоя зоналарига дарахт, бута ва гулларнинг кўпроқ чанг ва газга қарши қобилияти мустаҳкам турларини ўтказиш зарур.

Уйлар олдидаги болалар ўйнайдиган майдончаларнинг периметри бўйлаб бактерияга қарши хусусияти юқори бўлган акас, эман, мажнунтол, қайрағоч, мевали дарахтлардан эса нок, олма, шумурт, зиркни экиш лозим.

Катта йўллардан олисдаги асоссиз унутилган микрорайонлар боғларидан дарахтларга ортиқча зиён келтирмай ва республика аҳолисининг эҳтиёжини кўзлаб фойдаланиш мумкин. Бундай жойларга мевали дарахтлар ҳамда реза мевали буталарни экиш даркор.

Бироқ, бу экинлар парваришқилинмаса (ўз вақтида суғорилмаса, меваси териб олинмаса, барглари ювилмаса), агар бу боғлар хўжасизликка айланса, у ҳолда яхши ният билан бошланган иш ниҳоясига етмайди.

Афтидан, масаланинг моҳияти мевали ёки манзарали дарахтларнинг афзаллиги устидаги баҳсда эмас, чунки хоҳиш ва тегишли тайёргарлик бўлса тортишувчилар ҳар иккала нуқтаи назарни ҳимоя қилиш учун етарли ишончли далилларни топиб, келтира оладилар. Гап шундаки, лойиҳаларда кўкаламзорлаштириш системасининг замонавий, гигиеник жиҳатдан асосланган нормалари ва турлари кўзда тутилиши лозим. Фақат кўзда тутишнинг ўзи кифоя эмас. Балки жонбозлик ва экологик томонидан саводсиз маъмурларнинг кўрсатмасига кўра яшил дарахтларни асоссиз кесиш ҳолларига етарли баҳо бериш учун уларни ҳаётга татбиқ қилиш керак. Болалар ва баъзи онгсиз аҳоли зиён етказган ниҳолларни етарли парвариш қилинишини таъминлаш зарур. Бу борада тартиб ўрнатиш лозим. Қанча тез бўлса, шунча яхши!

Атроф-муҳит гигиенасининг вазифалари тўғрисида гап борар экан, шуни очиқ-ойдин айтиш керакки, инсон ва атроф-муҳити ўртасидаги ўзаро алоқани ўрганиш юзасидан фундаментал тадқиқотлар ҳажмини кескин кенгайтирмай туриб, гигиенанинг илмий фан сифатида ривожланиши мумкин эмас. Бу организмдаги табиий ҳолат ва ўзгаришларни ибтидоий даврида аниқлаш, аҳоли ўртасида бирон-бир хасталик пайдо бўлишидан олдин самарали соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун мезон аҳамиятига молик муайян топшириқлар системасини яратиш имконини беради.

Касалликнинг олдини олишни кучайтириш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан олиб бориладиган ишлар комплекс программасини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек аҳолини умумий диспансердан ўтказиш ўз навбатида санитария-эпидемиология хизмати ишлари каби санитария маорифи системасида ҳам муайян ўзгартишларни ва такомиллаштиришни тақозо қилади. Шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимизда санитария-эпидемиология хизматининг тараққиёти, унинг ишлаб ҳал қилинмай келаётганига энди муросасозлик қилиб бўлмайди.

Кенг жамоатчилик ҳам четда қолмаслиги шарт. Республикада атроф-муҳитни асраш юзасидан тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга фаол кўшилиши мумкин ҳамда лозим бўлган табиатни муҳофаза қилиш, «Билим», Қизил Ярим ой жамиятлари каби жамоат ташкилотларининг сони жуда кўп.

Республика аҳолисининг кенг қатламлари ўртасида тарғибот ишларини кескин фаоллаштириш керак. Совет кишиси турмуш шароитини соғломлаштириш ва атроф-муҳитни асраш бўйича тадбирлар тўла маънода соғлом турмуш тарзи мустаҳкам билимлари ҳамда кўникмаларини оммага сингдиришга, зарарли урфодатларга қарши курашга, саломатликни сақлашга онгли муносабатни тарбиялашга хизмат қилиши зарур. Бу бир кунлик иш эмас, у доим ва мақсадга мувофиқ олиб борилиши керак. Унда иштирок этиш ҳар бир совет кишисининг фахрий бурчи ва муқаддас вазифаси ҳисобланади.

Т. ИСКАНДАРОВ,
Медицина фанлари доктори, профессор.



АТРОФ-МУҲИТГА ЭЪТИБОР— СОҒЛИҒИМИЗГА ЭЪТИБОР

Бугунги кунда шу нарса яхши маълумки, атроф-муҳит (атмосфера ҳавоси, сувлар, тупроқлар)нинг ифлосланиши аҳоли турмушининг санитария ҳолатини ёмонлаштиради, инсон ўзини ҳис этиши оғирлашгани ҳақида шикоятларни келтириб чиқаради, ҳар хил сурункали хасталикларни кучайтиради, одамларда табиатан юқумли ва юқумсиз касалликларни пайдо қилади. Шунингдек, республикада атроф-муҳитни бундай ифлослантиришнинг манбалари табиати, ҳажми ва аҳолига таъсири жиҳатидан етарли даражада ҳар хил эканлиги ҳам маълум.

Бинобарин у ёки бу объект атроф-муҳити ифлосланишининг олдини олиш ёки таъсир даражасини камайтириш учун амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар ҳам хилма-хиллиги билан фарқ қилади. Қандай тадбирлар, уларни ҳаётга жорий этиш учун қандай ишларни бажариш керак? Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг директори, медицина фанлари доктори, профессор Тўлқин Искандаров бугун ана шулар тўғрисида фикр юритади. У 15 та монография ва брошюра, ўлка медицинасига доир 208 илмий ишнинг муаллифи, ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биосфера» программаси бўйича Ўзбекистон миллий комитети раисининг ўринбосари, мазкур программанинг «Атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва унинг биосферага таъсирини ўрганиш» 14-лойиҳасининг раҳбаридир.

Жонажон Ватан бўйлаб

⊙ **НОВОСИБИРСК. Новосибирск академия шаҳарчасида ёшларнинг интернационал бирдамлик ҳафталиги ўтказилди. Ингит-қизлар чет эллик меҳмонлар билан шанбалик ва якшанбаликларда, митингларда бирдамлик ярмаркаларида, учрашувларда қатнашдилар. Интернационал ҳафталик штабларида эсдалик значоклар, вимпеллар, плакатлар, снёсий китоблар тарқатилди.**




СВЕРДЛОВСК. «Урал» обувь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг айрим моделлари харидорларга жуда ҳам манзур бўлмоқда. Ўлар ўзининг сифати билан чет эл намуналаридан қолишмайди.

СУРАТДА: корхонанинг бу йилги моделлари намуналари.

ТАСС фотохроникаси.

⊙ **ЕФРЕМОВ. (Тула области) Тула область Ефремов шаҳридаги газ-компрессор станциясида температура, нур ва ёмғир хоҳишга қараб ўзгартириладиган ва берилади ган автоматлашган теплица қуриб битказилди. Приборлар сабзавот парваришидаги меҳнат сарфини камайтирди. Эртаги редиска ҳосили олинди. Энди пиёз, бодринг ва помидор етилмоқда. Тежамли теплицада йил бўйи ош кўклар олиб туриш мўлжалланмоқда.**



Арманистон ССР Фанлар академиясининг Бюракан астрофизика обсерваториясида Галактика тузилиши, осмон сайёраларининг ҳаракатини ўрганишга доир тадқиқотлар олиб боридмоқда.

М. Шахбазян, Г. Калачян фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

⊙ **КУТЬЯХ (Тюмень области). Мамлакатдаги май байрами тўғрисида берилган репортажлар, концертлар ёғоч тайёрловчилар посёлкасининг аҳолиси кўрган биринчи телевизион программалар бўлди. Бу ерда монтаж қилинган «Москва» системаси ер сунъий йўлдошлари орқали алоқа боғлаш воситасида марказий телевидение биринчи программаларини сифатли қабул қилиб боришга имконият туғдиради. Алоқачилар Улуғ Октябрнинг 70 йиллигигача Тюмень области шимолидаги ҳамма посёлкаларда телевизорларни ишга туширишга қарор қилдилар.**

⊙ **ТУЛА. Бу ердаги ўткир вино заводи сиртли ичимликлар ўрнига шифобахш сув қуйиб чиқара бошлади. Шу корхона территориясида пармаланган қудуқ янги маҳсулот тайёрлашга ўтишга имкон берди. Қудуқдан чиққан минерал сув запаслари Тула ва атроф шаҳарларнинг аҳолисига бемалол етади.**

(ТАСС).

«Бахт сенга, она ер!»

Маданият хабарлари

Ўзбекистон пойтахтида Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб очилган интернационал қўшиқлар фестивали Тошкент медицина институтининг студенти Р. Бобобеков билан ёш композитор Н. Ғойибовлар яратган «Бахт сенга, она ер!» деган қўшиқ билан очилди. Фестивалда совет студентлари билан бирга Тошкентда таълим олаётган Афғонистон, Лаос, Кампучия, Куба, Конго, Вьетнам ҳамда Колумбиядан келган йигит ва қизлар иштирок этдилар. Улар турли халқларнинг тинчлик ва дўстлик ҳақидаги, планетанинг барча тараққийпарвар кучларини ядро хавфига қарши бирдамликка даъват этувчи қўшиқларни ижро этдилар. Снёсий плакат конкурсида қатнашаётган ёш ҳаваскор рассомлар ҳам ўз асарларини ана шу мавзуга бағишладилар.

(ЎзТАГ мухбири).

Шаҳримиздаги маданият ва истироҳат боғларида меҳнаткашларнинг кўнгилли дам олишлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Ям-яшил хиёбонлар, кўмкўк кўлларнинг мавжланиши ва хушманзара табиат ором бағишламоқда.

Суратда: сўлим боғлардан бири — «Ғалаба» маданият ва истироҳат боғида қайиқда сайр пайти.


М. Нуриддинов фотоси.



Қулайликлар адреси

«ЎЗИНГ ТАЙЁРЛА»

Ҳамшаҳарлар Сизлар учун





Чилонзор массивидаги Пионер кўчасида «Ўзинг тайёрла» магазини фойдаланишга топширилди. Бу ерга ташриф буюрган ҳамшаҳарларимиз В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси чиқиндиларини, мебель корхоналаридан чиққан тахта ёғочларни харид қилиб, ўзлари учун керакли буюмларни ясашлари мумкин.

СУРАТЛАРДА: Пионер кўчасида фойдаланишга топширилган магазин ва «Болалар дунёси» магазинининг «Ўзинг тайёрла» бўлимида.

Т. Каримов фотолари.

СИЗГА КОМПЬЮТЕР ЖАВОБ БЕРАДИ

Дисплей экранида: «саволингизни беринг» деган сатр шуълаланди. 009 хизматининг телефончиси Муҳаббат Муҳамедова қидирилаётган абонентнинг фамилияси, инициаллари ва адресини тезгина клавишларда терди. Компьютер бир лаҳза «ўйлаб олгач» «картотекада йўқ» деб жавоб берди. Зеро, шундан кейинги одамнинг омади юришди — бир неча секунддан сўнг керакли номерни билиб олди.

Тошкент квартира телефонлари справкалар секторида ҳозирча тўртта дисплей бор. Лекин ҳозир бутун справка-информация маркази ЭҲМдан фойдаланиб ишлашга ўтиш учун тайёргарлик кўрмоқда.

Дисплей экранлари — справочник саҳифаларига ўхшайди, лекин улар анча тез «варақланади». Илгари квартира картотекаси тезда титилиб кетарди. Зеро, картотекалар ҳозир ҳам кўл остида туради: сўровчилар машина хотирасига киритиш учун керакли маълумотларни ҳамиша ҳам айта олмайдилар.

Янги техника справка марказидаги меҳнатни анча енгиллаштирди. Тез орада хизмат телефонлари секторига ҳам дисплейлар келади. Бу ерда номер сўровчилар анча кўпроқ.

Май ойида справка-информация маркази янги бинога кўчиб ўтади. Иш ўринлари ўттиздан эллик иккитагача кўпаяди, янада такомиллашган ускуналар ўрнатилади.

Бугунги кунда Тошкентда 200 мингга яқин квартира телефонлари бор. Беш йиллик охиригача уларнинг сони икки баравар кўпаяди. Хуллас, одамларнинг ҳам, компьютерларнинг ҳам ишларига иш қўшилади.

С. БРАГИНСКИЙ, [ЎзТАГ мухбири].

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/V да **Фауст**, 15/V да **Иоланта**, 16/ да **Тўмарис**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 14/V да **Қутлуғ қон**, 15/V да **Ойна**, 16/V да **Ғариблар**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/V да **Ҳижрлаи шаръий**, 15/V да **Тоҳир ва Зуҳра**, 16/V да **Тошболта ошиқ**.

ФРУНЗЕ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИ ҚИЗЛАРИНИ

МАКТАБ-ОШХОНАГА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН АЁЛЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқиш муддати — 11 ой. 53 сўмдан 63 сўмгача стипендия тўланади.

ЎҚИШНИ ТАМОМЛАГАНЛАР ТРЕСТ КОРХОНАЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Адрес: 700022, Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 78-«а» уй. Телефон 55-27-12.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармаси

16-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1987—1988 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЎҚУВЧИ, ЙИГИРУВЧИ, ПИЛИКЛОВЧИ, КАЛАВАЛОВЧИ.

Ўқиш муддати — 1— 3 йил.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар қабул қилинадилар.

Ўрта маълумот билан ўқишга кирганларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади. 8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида маошнинг 50 процентини ўқувчиларга берилади.

Билим юртини тугатганлар касб эгаллаганлиги ҳамда ўрта маълумот олганлиги тўғрисида диплом оладилар.

Билим юртини яхши баҳолар билан тугатган ўқувчиларга ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқиш учун йўлланма берилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

Машғулотлар яхши жиҳозланган кабинетларда олиб борилади. Билим юртида спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик, бичиш-тикиш тўгараклари мунтазам ишлайди.

Тўқимачилик комбинатида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишлари, дам олишлари ва соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Корхонада санъат саройи, профилакторий, дам олиш зонаси ва кечки техникум бор.

ЎҚУВЧИЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, таржимаи ҳоли, характеристика, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, 286 формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка.

Билим юрти адреси: 700100, Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй (2, 3, 32, 80, 97-автобусларнинг «16-билим юрти» бекати).

Тошкент Давлат университети томонидан **Исанова Нодира Шодибековна** номига берилган КВ — 850772 номерли йўқолган

ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Самарқанд область Большевик районидаги 7-ўрта мактаб томонидан **Ботиров Нурмурот Усманович** номига берилган В 147874 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИНИНГ

24-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1987-1988 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ГРУППАСИГА:

Ўзбек тилида ўқиш учун: ОШПАЗ, САНОАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ, ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ. Ўқиш муддати — 1 йил.

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ СОТУВЧИСИ. Ўқиш муддати — 8 ой.

Рус тилида ўқиш учун: «ИНТУРИСТ» ОШПАЗИ (йигит ва қизлар миллий ва чет эл таомларини тайёрлаш ўргатилади), **ОФИЦИАНТ** (фақат йигитлар, чет тили ўқитилади).

Ўқиш муддати — 2 йил.

«ГОСКОМИНТУРИСТ» БЎЛИНМАСИДАН ЙЎЛЛАНМАСИ БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ, УЛАРГА 40 СЎМ ҲАЖМИДА СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.

8-СИНФ МАЪЛУМОТИ БЎЛГАНЛАР ГРУППАСИГА

Ўзбек тилида ўқиш учун: ОШПАЗ, ҚАНДОЛАТЧИ, САНОАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ, ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ. Ўқиш муддати — 3 йил.

Рус тилида ўқиш учун: ОШПАЗ, ҚАНДОЛАТЧИ, САНОАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ. Ўқиш муддати—3 йил.

24-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРЛИГИ, СССР ЧЕТ ЭЛ ТУРИЗМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ БЎЛИМИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР АГРОСАНОАТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ВА ЧКАЛОВ НОМЛИ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ВА САВДО КОРХОНАЛАРИДА, КАФЕ, РЕСТОРАН ВА ОШХОНАЛАРДА ИШЛАШ УЧУН МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ЁШДАН 28 ЁШГАЧА БЎЛГАН ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирган ўқувчилар бепул овқат, кийим-бош билан, ўрта маълумотлилар эса 30 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар. Уларга ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 50 процентини тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ ИШ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртига ўрта маълумот билан кириб ўқишни битирганлар ихтисоси бўйича диплом, 8-синф ҳажмида маълумот билан кириб ўқишни битирганлар эгаллаган ихтисоси ва ўрта маълумоти ҳақида диплом оладилар.

Билим юртини «аъло» баҳо билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришда имтиёзга эга бўладилар.

БИЛИМ ЮРТИДА БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК ВА СПОРТ СЕКЦИЯЛАРИ МАВЖУД.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), иш жойидан ёки мактабдан, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 086/У формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, таржимаи ҳол.

Билим юрти адреси: 700114, Тошкент шаҳри, Киров райони, Юнусобод массиви, 18-квартал, 24-ўрта ҳунар техника билим юрти (9, 167-автобусларнинг «27-мактаб», 67, 8-автобусларнинг «17-квартал», 49-автобуснинг «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли колхоз», 83-автобуснинг «18-квартал» ва 60, 82-автобусларнинг «17-квартал бекатлари).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

Гражданлар авиацияснинг 243-ремонт заводи базасидаги

20-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали 1987—1988 ўқув йилига мутахассислар тайёрлаш учун

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-синфни битирган ўқувчилар: учиш аппаратларининг слесарь-ремонтчиси, авиадвигателларнинг слесарь ремонтчиси, учиш аппаратларининг ремонти ва уларнинг ускуналари бўйича электромонтажчи, газ-электр пайвандчи ихтисосликлари бўйича 3 йил, 10-синфни битирганлар эса бир йил таълим оладилар.

Ўқишга Тошкент шаҳрида пропискада турувчи йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртини тамомлаганлар авиация ремонти база корхоналарига ишга юборилади. Завод ишчиларига граждан авиацияси ходимларига тегишли имтиёзлар ҳам берилади.

3 йил муддат билан ўқийдиган ўқувчилар тўлиқсиз давлат таъминотида бўладилар, бир йил ўқийдиган ўқувчилар эса ойига 30 сўм стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процентини тўланади.

Билим юртида спорт секциялари, вокал чолғу ансамбли тўгараклари ишлаб туришди.

Ўқувчилар 16 ёшга тўлиши билан авиация клубига қабул қилинади.

Битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган ўқувчилар эса граждан авиацияси институтлари ва билим юртларига юборилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур: директор номига ариза, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумот ҳақида ҳужжат, ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси (086/У форма), яшаш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмида 6 дона, 6х4 см. ҳажмида 3 дона фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9 дан 16.00 гача қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри Авиасозлар шаҳарчаси. Телефонлар: 99-96-46, 99-94-50.

ЕШ ТОМОШАБИНЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ **ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИНОТЕАТРЛАРИДА** ПИОНЕР ТАШКИЛОТИ ТАШКИЛ ТОПГАН КУНГА БАҒИШЛАБ

БОЛАЛАР ФИЛЬМЛАРИ ҲАФТАЛИГИНИ ЎТКАЗАДИ

«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА

14 майда — **БУ МУТТАҲАМ СИДОРОВ-КУ.**
15-17 майда — **ТАНЕЧКА ФОЙДАСИГА 4:0.**
18-19 майда — **ОҲ, БУ НАСТЯНИНГ ДАСТИДАН!**

«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА

14-15 майда — **МИШКА, СЕРЕГА ВА МЕН.**
16-17 майда — **ЎЗГАГА ИШОНИБ БЎЛМАЙДИГАН КАЛИТ.**
18-20 майда — **МЕН ПАҲЛАВОН БЎЛИБ ЎССАМ.**

«ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИДА

14-15 майда — **ТИМУР ВА УНИНГ КОМАНДАСИ.**
16-17 майда — **БЕЛГИСИЗ ТОНГ.**
18-20 майда — **ОҲ, БУ НАСТЯНИНГ ДАСТИДАН!**

«МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА

14-15 майда — **ТАНЕЧКА ФОЙДАСИГА 4:0.**
16-17 майда — **МЕНИНГ БИРИНЧИ ДЎСТИМ.**
18-20 майда — **МИШКА, СЕРЕГА ВА МЕН.**

«ВАТАН» КИНОТЕАТРИДА

14-15 майда — **МЕНИНГ БИРИНЧИ ДЎСТИМ.**
16-17 майда — **ҲАР КУНИ БИР МОЖАРО.**
18-20 майда — **ТИМУР ВА УНИНГ КОМАНДАСИ.**

ҲАМЗА НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

14-15 майда — **ЮЛДУЗЛИ ЁЗ.**
16-17 майда — **БУРГУТЧА.**
18-20 майда — **СЎНГГИ «2».**

«ВЛКСМ 30 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА

14-15 майда — **БЕШИНЧИ «Б»ДА ЎҚИЙДИГАН АЛОМАТ БОЛА.**
16-17 майда — **МИШКА, СЕРЕГА ВА МЕН.**
18-20 майда — **БЕГОНА «5».**

ЛИСУНОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

14-15 майда — **БУРГУТЧА.**
16-17 майда — **ЎЗГАГА ИШОНИБ БЎЛМАЙДИГАН КАЛИТ.**
18-20 майда — **ДУМБРАЧИНИНГ ТАҚДИРИ.**

К. ЕРМАТОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

14 майда — **БЕЛГИСИЗ ТОНГ.**
15-17 майда — **АЛДАМ-ҚАЛДАМЛИ БИР БАҲО.**
18-19 майда — **ҚИЗИЛ АСАЛАРИЛАР.**

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«ЎХШАШЛАР»

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРДИ.

Фильм Андрис КОЛБЕРГСнинг «СОЯ» романи асосида суратга олинган.

Сценарий муаллифлари — Андрис КОЛБЕРГС, Валерий ТОДОРОВСКИЙ.

Режиссёр — Рихардес ПИКС.



Ролларда: Ю. ЖАГАРС, А. ЖАГАРС, Л. ОЗОЛИНЯ ва бошқалар.

Фильмда етук ёшдаги, дурустгина иш ва яхши оилага эга бўлган бир одамнинг тўсатдан ўз ўхшаши — эгизак-акасини топиб олгани ҳақида ҳикоя қилади. Қачонлардир уларни ташлаб кетган ўз оналарини излаш ака-укаларни маънавий бойитади.

РИГА КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

«УЗГЛАВСТРОЙДРЕВПРОМ»нинг ЁҒОЧ БУЮМЛАРИ ЗАВОДИДА

жойларда парник ромлари, тўсиқлар, эшик ва дераза блоклари, шунингдек размерларга кўра ўлчанган, тасдиқланган смета, нархларга биноан ДСП, ДВП, узун рейкалар тайёрлаш ва ўрнатиш юзасидан

АҲОЛИГА ПУЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: 700069, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Металлистлар кўчаси, 104-уй.

ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИ

ТОШКЕНТ «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ ТОЗА МЎЙНАДАН ТИКИЛГАН БУЮМЛАРНИ БЎЯБ ВА РЕМОНТ ҚИЛИБ БЕРАДИ.





Хизматнинг бу янги тури мўйна умрини узайтиришда сизларга ёрдам беради. Табиий мўйнадан тикилган буюмларни турли хил рангларга бўяш унга жозибадор тус беради.

Норка, ондатра, тулки, нутрия мўйнасидан тикилган шапкалар, ёқалар қабул қилинади.

Буюртмаларни қуйидаги адресда бериш мумкин: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси 101-автобуснинг «Дархон» бекати). Справкалар учун телефон — 58-29-14.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг 2-«ОТДЕЛСТРОЙ» ТРЕСТИГА

бўёқчилар, сувоқчилар, дурадгорлар, кошинкорлар. Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

«УЗБИТПЛАСТИК» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

план-иқтисод бўлимининг мудири, механатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлимининг мудири, бош механик ўринбосари, группаларнинг раҳбарлари, етакчи инженерлар, пластмассаларни қайта ишлаш учун пресс формаларни лойиҳалаш бўйича I, II, III категориядаги конструкторлар, тажриба заводи смеаларининг бошлиқлари.

КИРОВ РАЙОН АЛОҚА ТАШКИЛОТИГА

алоқа электр монтёрлари.

ҲАМЗА РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИГА

электр монтёрлар, слесарь-ремонтчилар, юкчилар, бухгалтерлар. Шунингдек ихтисосга эга бўлмаган ишчилар ҳам таклиф қилинадилар (жойнинг ўзида касбга ўргатилади).

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ҲАМЗА РАЙОН ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

газ-электр пайвандчилар, сувоқчилар, бўёқчилар, дурадгорлар.

«ВОДРЕМСТРОЙМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

металл конструкцияларни йиғувчи слесарлар, слесарь электрмонтажчилар, инженер-конструкторлар.

ОКТЯБРЬ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИГА

жойлаштирувчилар, идишларни брақловчилар, ювиш машиналарида ювувчилар, контролёрлар, электриклар, бухгалтерлар, машинистка.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй;
Ленин район пункти—Т. Шевченко кўчаси, 64-уй;
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй;
Ҳамза район пункти — Ҳасанова кўчаси, 10-уй;
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй;
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй;
Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй;
Акмал Икромов район пункти — Фарҳод кўчаси, 21-уй;
Сергели район пункти — Спутник, 2-квартал, 69-уй;
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1987-1988 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ИНСТИТУТНИНГ КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРИГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ИНГЛИЗ ТИЛИ, НЕМИС ТИЛИ, ФРАНЦУЗ ТИЛИ.

Ҳамма мутахассисликлар бўйича ўқиш муддати 5 йил.

Институтга кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар: она тили ва адабиёт (ёзма), СССР тарихи (оғзаки), чет тили (оғзаки). Мутахассислик бўйича суҳбат ҳам ўтказилади.

Институтга кирувчилар институт ректори номига ёзилган ариза билан қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), охирги иш жойидан печать билан тасдиқланган характеристика, меҳнат ёки колхоз дафтарчасидан кўчирма, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, соғлиги ҳақида справка (086/У форма). Паспорт ва ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

АРИЗАЛАР 30 ИЮНГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари июнь-июль ойларида икки потокда ўтказилади.

Қабул комиссиясининг адреси: 700020, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 48-уй.

«УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ ЎҚУВ ПУНКТИ

вентиляция ва ҳавони кондициялаш монтажи бўйича слесарь-вентиляциячил а р, вентиляция системалари деталларини тайёрлаш бўйича слесарь-вентиляциячилар тайёрловчи

З ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга 17,5 дан 40 ёшгача бўлган, 8—10-синф маълумотидаги кишилар қабул қилинадилар.

Ўқишга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади. Курсларга қабул қилинганларга ойига 76 сўм стипендия тўланади. Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Курсларни битирган кишилар «Ўзпромвентиляция» трести ташкилотларига ишга юбориладилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматга чақирилиш ҳақидаги гувоҳнома, меҳнат дафтарчаси, яшаш жойидан справка, саломатлиги ҳақида справка, 3 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

МАШҒУЛОТЛАР—ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700047, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй, 3-қават.

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 132-ўрта мактаб томонидан **Сайфутдинов Самариддин Алоиддинович** номига берилган 844698 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р-13908. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 20.30 да қўл қўйилган [График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим]. Тиражи — 75.131. Б. 2123. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10. Индекс 64690.